O'zingni angla!

# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2013-yil 27-noyabr, chorshanba ✱ № 48 (852) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

### НАМАНГАН: ЧАМАН ИЧИНДА БИР ГУЛ

Виқорли чўққилари булутлар бағрига сингиб кетган Қамчиқ довони Сизни гуллар шаҳри Наманганга кузатиб қўяди. Мустақиллик йилларида ҳар жабҳада залворли ютуқларга эришаётган, яйраб-яшнаётган муаззам шаҳар — Наманган сизни гулгул очилганича кутиб олади.



➪ 2-3-бет

### ЖУРНАЛИСТ — ЖАМИЯТ КИШИСИ

Журналист ҳаётнинг турли қирраларини қаламга олувчи, уларга холисона баҳо берувчи, одамларни фикрлашга, бирор муаммо юзасидан мушоҳада қилишга ундовчи, пировардида, тараққиётга ҳисса қўшувчи жамият кишисидир.



➪ 4-бет

### NASA ОЛИМЛАРИ ЮЛДУЗНИНГ ЭНГ ЁРУҒ НУРЛАНИШИНИ КУЗАТИШДИ

Америкалик олимлар коинотда ушбу юз йилликда рўй берган энг ёруғ чақнашни қайд этишди. Бу ҳодиса коинотда кучли электромагнит нурланишининг чиқиши ва ўта улкан қора ўпқоннинг пайдо бўлиши туфайли юз берди.



➪ 5-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

✱ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов 2013 йил 25-26 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.**

**Олий даражадаги учрашувлар ва музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи, уни янада ривожлантириш истиқболлари, муҳим минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилди.**

✱ ***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 ноябрь куни Оқсаройда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) президенти Такехико Накаони қабул қилди.***

✱ **Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 20-23 ноябрь кунлари Осиё қуёш энергияси форумининг 6-йиғилишига мамлакатимиз мезбонлик қилди. Унда кўплаб хорижлик экспертлар, мутахассислар, олимлар, юртимизда фаолият кўрасатаётган дипломатлар қатнашди.**




**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги олдидан**




J.Norqobilov (O'zA) olgan surat

# Мустақиллигимизнинг ҳуқуқий асослари

**1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида мамлакатимиз тарихида кескин бурилиш ясаган, аҳамияти жиҳатидан асрларга татигулик ҳуқуқий ҳужжат — Асосий Қонунимиз, яъни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.**

Маълумки, Конституциямизнинг яратилиш даври ўта мураккаб тарихий жараёнлар силсиласига тўғри келди. Унинг асосий принцип ва қоидалари умумэътироф этилган халқаро талаблар билан бир қаторда халқимизнинг асрлар мобайнида шаклланиб келган қадриятларини ўзида мужассам этди.

Ўз навбатида мазкур ҳужжат орқали халқимиз жаҳон ҳамжамиятига ўзининг умуминсоний қадриятларга содиқ эканини намоён қилди. Унда инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш давлатнинг асосий вазифаси сифатида ўз ифодасини топди.

2 ▶▶

**Маҳалла институти**

## Муносиблар сайланмоқда

**Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Андижон вилоятида ҳам фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови қизғин давом этмоқда.**

Асака туманида ўтказилаётган сайловларда 81 маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 800 нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланади.

— Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда уни ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси, шунингдек, ишчи гуруҳлар томонидан сайловларнинг тенглик, ошкоралик ва адолат тамойиллари асосида ўтиши таъминланмоқда, — дейди туман комиссияси раиси Мўйдинжон Дадажонов. — Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламлиислоҳотлар самарасида бу галги сайловларда фуқаролар ҳар қачонгидан фаол иштирок этаётир.

Тумандаги 8 қишлоқ, 73 маҳалла фуқаролар йиғини раислигига 448 нафар номзод кўрсатилган. Номзодларнинг 132 нафари аёллардир.

"Қайроғочариқ" маҳалла фуқаролар йиғини тумандаги йирик маҳаллалардан бири. Ушбу маҳалла раислигига кўрсатилган 3 номзод орасидан ўзининг жонкуярлиги ва ташаббускорлиги билан катта обрў-эътиборга эга бўлган Муҳаммадқобил Ашуров раисликка сайланди. Унинг ҳудудда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шу орқали хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш, ободонлаштириш масалалари устувор бўлган дастури кўпчиликка маъқул келди.

Тумандаги барча ўзини ўзи бошқариш органларида сайловлар юқори савияда, уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Маҳалла раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига энг муносиблар сайланмоқда.

**Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**



ОБУНА — 2014

**Қадрли юртдошлар!**

**Азиз муштарийлар!**
**"HURRIYAT" газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир.**
**2014 йил учун обуна давом этмоқда.**
**Сиз ҳам жамоатчиликдан четда қолманг.**
**Обуна бўлинг!**

***Эслатиб ўтамиз:***
***"HURRIYAT"нинг нашр индекси — 233***




**"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ**

**Форум**

## "Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!"

**Кейинги пайтда мамлакатимизда коллежларни битирган йигит ёки қизларнинг банклардан кредит олиб, ўз бизнесларини йўлга қўйиб, фаол тадбиркорлик билан шуғулланаётгани ҳақидаги хабарларни эшитганимизда ҳавасимиз ортиб: "Шу ишни уддалаптими, барака топсин, отасига раҳмат", деб қўйяпмиз.**

Ахир шу ёшда мустақил иш бошлаш, яна 3-4 кишини иш билан таъминлаш осон эмас-да. Аммо ёшлик ғайрати, шижоати ҳамма нарсага қодир. Қувонарлиси, бундай ёшларнинг сафи кундан-кунга кенгайиб бораётир. Муҳими, бу истиқлол шарофати билан ёшлар тарбиясига қаратилаётган давлат сиёсатининг самарасидир.

Айни кунда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати дунёқараши кенг, боқимандалик кайфиятидан холи йигит-қизларни замонавий касб-ҳунарга ўргатиш, улардаги тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқариш, ёш авлод онгида бозор иқтисодиёти кўникмаларини шакллантириш каби йўналишларда фаол иш олиб бормоқда. Шунингдек, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, жиноятчилик, диний экстремизм ва гиёҳвандлик каби иллатларга қарши курашиш, йигит-қизларни интеллектуал салоҳиятли ҳамда баркамол қилиб вояга етказиш масалалари ҳам «Камолот»нинг доимий диққат эътиборида. Айни пайтда мазкур ҳаракат ёшлар ҳаётидаги ҳар қандай воқеага алоқадор, ҳар бир йигит-қизнинг тақдирига дахлдор, десак муболаға бўлмайди. Энг асосийси, кейинги йилларда ҳаракат бошланғич ташкилотларининг ҳам фаолияти жонланди. Бугунги кунда унинг 15 мингдан ортиқ бошланғич ташкилоти "Камолот"нинг нуфузини янада оширишга хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам бошланғич ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳаракат Марказий кенгашининг асосий вазифаларидан биридир. Инчунун, бошланғич ташкилотлар ўртасида қатор кўрик-танловларни ташкил этиш анъанага айланмоқда. Ана шундай танловлардан бири жорий йилнинг 13-18 ноябрь кунлари Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида бўлиб ўтди. Бошланғич ташкилот етакчиларининг республика форумида барча вилоятлардан 140 нафар вакил қатнашди.

— Иштирокчилар томонидан айтилган ҳар бир таклиф эътибордан четда қолгани йўқ, — дейди форумнинг "Энг намунали бошланғич ташкилот" йўналиши бўйича танлов ғолиби, "Камолот"нинг Навоий вилояти уй-жой коммунал бошқармасидаги бошланғич ташкилоти етакчиси Мақсуд Нўъмонов. — Албатта, бу фикрлар форум иштирокчиларининг келгуси фаолиятларида асқотиши шубҳасиз.

Дарвоқе, мазкур номинация бўйича ҳаракатнинг Фарғона нефтни қайта ишлаш ҳамда "O'z Erae" Climate Control корхоналаридаги бошланғич ташкилот етакчилари Умида Ғофурова ва Азиз Муҳиддиновлар ҳам тақдирланишди. Шунингдек, форумнинг "Таклиф ва ташаббуслар" йўналишида Жасур Раимқулов, Ҳуррият Мирзахонова ва Зебо Воҳидовалар ғолиб бўлишди.

Сўзимиз якунида таъкидламоқчимизки, "Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!" шиори остида ўтган республика форуми ёшларимизни она Ватан истиқболи, унинг янада гуллаб-яшнаши йўлида якдил бўлиб меҳнат қилишга, аъло ўқишга, энг муҳими, юртимизнинг садоқатли фарзандлари бўлиб етишишга ундашига шубҳа йўқ.

**Ҳасан САЛОМОВ,**
**"Hurriyat" мухбири**

# Мустақиллигимизнинг ҳуқуқий асослари

(Бошланиши 1-бетда.)

Конституцияда биринчи марта «давлат халқ эрки-иродасини ифода этиши, халқ манфаатлари йўлида хизмат қилиши, давлат органлари, мансабдор шахслар фуқаролар олдида масъуллиги», қолаверса, ҳисоб бериши норма қилиб мустаҳкамландики, унда инсоннинг тенг ҳуқуқлилиги, баркамол шахс даражасига кўтарилишига замин ҳозирланди. Шунингдек, барча эл ва элатларнинг манфаатлари камситилмагани ҳолда давлат тили — «ўзбек тили» деб белгиланди. Бу эса тарихга, давлатчилигимизга, маданиятимиз, меросимизга бўлган авлодлар ҳурматини намоён этди.

Инсонга қатор ҳуқуқлар бериш, уларнинг амалга оширилиши ва бузилган ҳуқуқларини тиклаш нуқтаи-назаридан Конституцияда алоҳида норма сифатида давлат ҳокимият тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятига бўлиниши белгиланди.

Конституция моддаларининг жойлашувига эътибор қилинса, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари асосий принциплардан сўнг кейинги, яъни иккинчи бўлимда такомилига етган. Инсон — олий қадрият сифатида давлат, давлат органлари, жамоат ташкилотларидан кўра устун туриши, унга нисбатан ҳурмат билан қаралаётгани, улуғланиши Конституция моҳиятини янада оширади ва унинг дунёдаги энг халқчил ва инсонпарвар қонун экани амалда исботланмоқда.

Конституцияда фуқароликка алоҳида муносабат билан қаралган. Фуқарога берилган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий ҳуқуқлар, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлардан ҳам кўра, даставвал унинг ўзига нисбатан катта эътибор қаратилган. Яъни республика ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади, дейилади Конституцияда. Бу инсонни ягона фуқаро сифатида ўз Ватанини, халқини, унинг қонунларини севишга, қадриятларини ҳурматлашга ундайди.

Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар доирасида ҳар бир фуқаронинг мулкка эга бўлиши, мерос ҳуқуқи, меҳнат қилиш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи, ёлланиб ишлаш, дам олиш, қариганда ва меҳнат қобилиятини йўқотганда, боқувчисини йўқотганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, давлат томонидан бепул билим олиш, илмий, техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш каби қатор ҳуқуқлар ҳам Конституцияда ўз ифодасини топган.

Миллий қадриятларимизни ўзига сингдирган Асосий Қонунимиз асосида оила, оналик ва болалик давлат муҳофазасида эканлиги, давлат ва жамият етим ҳамда ота-оналар васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни ўз зиммасига олганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларни давлат таъминлайди, деб алоҳида модда қилиб кўрсатилиши давлатнинг фуқаролар олдида масъул эканини яна бир бор тасдиқлайди. Конституция афзалликларидан яна бири — фуқароларнинг сиёсий қарашлари, жамоат ташкилотларининг мафкуралари ёки бирон-бир оқимнинг йўли — давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди. Бу эса жамиятнинг эркин ривожланишининг кафолати демакдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимаси ва бошқа таркибий қисмларидан унинг мазмун-моҳиятини билиш мумкин. Унда адолат, ҳақиқат, маънавият, миллий ахлоқий қадриятлар, умуминсоний ғоялар каби мезонлар талабидаги қоидалар ҳам мавжудки, бу ҳолат Конституциямизни шарафлаш, уни бирламчи олий юридик куч манбаи, деб ҳисоблаш ҳамда устуворлигини тан олишга ундайди.

Ўтган давр мобайнида Конституциямиз асосида амалга оширилган ҳуқуқий ислоҳотлар мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилгандир.

Зеро, Конституция догма эмас, балки у жамият ривожланиши билан доимий ҳамоҳанг равишда такомиллашиб, халқнинг келгуси орзу-умидлари ва истиқболини янада юқори даражада қонуний мустаҳкамлаш билан ўз мавқеини ошириб бораверади.

Буни эса, биз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кўришимиз мумкин. Хусусан, унда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ҳамда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Кўриниб турибдики, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган мазкур концепция амалдаги Конституциямизни янада ривожлантириш учун янги бир ғоявий асос ҳисобланади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибамизни холисона баҳолаш, қўлга киритган юксак марраларимизни таҳлил этиш мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри эканини ва шу йўлдан бундан буён ҳам оғишмай, қатъият билан боришимиз зарурлигини яққол кўрсатмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимаси ва бошқа таркибий қисмларидан унинг моҳият ва мазмунини билиш мумкин. Унда адолат, ҳақиқат, маънавият, миллий ахлоқий қадриятлар, умуминсоний ғоялар каби мезонлар талабидаги қоидалар мавжудки, бу ҳолат Конституциямизни шарафлаш, уни бирламчи олий юридик куч манбаи, деб ҳисоблаш ҳамда устуворлигини тан олишга ундайди.

**Гулнора ХУДАЙБЕРДИЕВА,**
**Юристлар малакасини ошириш маркази катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди**

# Маҳорат сабоқлари

Дунёдаги ҳар бир давлатда инсон ҳуқуқларига оид муайян қонунчилик тизими шаклланган. Бу қонунчиликнинг негизини, аввалambор, конституциялар ташкил этади. Конституция ҳар бир давлатнинг асосий ҳуқуқий ҳужжати ҳисобланади.

Унинг меъёрлари нафақат давлат тузуми, давлат ҳокимияти ва бошқарувини ташкил этиш тамойилларини, балки ижтимоий ҳаёт меъёрларини ҳам белгилаб беради. Конституциявий ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, конституция ўзининг асосий қоидаларини ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш учун кенг имконият яратади.

Шу маънода, яқинда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида Юристлар малакасини ошириш Марказида маҳорат сабоқлари (мастер класс модели) ўтказилди. "Ўзбекистон давлатининг халқаро шартномалар бажарилишида ҳисобдорлик амалиёти" мавзусидаги ушбу сабоқни Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, профессор Акмал Саидов олиб борди.

Мамлакатимиз Конституциясининг 17-моддасида қайд этилганидек, "Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади. Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин", деган ташқи сиёсатнинг конституциявий принциплари нақадар амалий эканини бугунги кунгача халқаро майдонда эришилган ютуқлар мисолида шарҳлаб берди.

Жумладан, у Ўзбекистонни БМТга аъзо бўлган 192 давлатдан 144 таси тан олганлиги, 131 давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатгани, 40 дан зиёд давлатда элчихоналаримиз мавжудлиги, 62 давлатнинг ваколатхоналари мамлакатимизда фаолият олиб бораётгани бундан ташқари давлатимиз 64 та халқаро ва минтақавий ташкилотлар аъзоси экани каби фактларни келтириб, Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдонда нуфузи тобора ортиб бораётганини тингловчиларга фахр-ифтихор билан гапириб берди. Шунингдек, тадбирда 200 дан ортиқ универсал шартномалар, шу жумладан 70 га яқин инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжат ва бир қатор конвенциялар ҳукуматимиз томонидан ратификация қилингани ва бу ўз навбатида уларни бажаришга оид мажбуриятлари, улар юзасидан ҳисобдорлик механизмлари аниқ мисоллар асосида очиб берилди.

Масалан, давлатимиз БМТнинг инсон ҳуқуқларига оид 9 та конвенцион ҳужжатнинг 8 тасига аъзо ва улар бўйича олинган мажбуриятларни бажариш юзасидан жорий йилга қадар 32 та Миллий маъруза БМТнинг тегишли қўмиталарига тақдим этилган бўлиб, улардан 28 таси муҳокамадан муваффақиятли ўтган.

Маҳорат сабоқлари моделини намоён этар экан нотиқ Миллий маърузаларни тайёрлаш механизмлари ҳақида алоҳида тўхталиб, бу масала катта эътибор ва вақт талаб қилишини, яъни 2 йил давомида 60 дан ортиқ давлат ва нодавлат ташкилотлар тайёрлаш жараёнига жалб этилиши ва бунга ниҳоятда синчковлик ва масъулият билан ёндашиш лозимлигини таъкидлади.

Масалан, Ўзбекистон "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция"ни 1992 йил 9 декабрда ратификация қилган бўлиб, ушбу йўналиш бўйича ҳозирга қадар 4 та Миллий маъруза тақдим қилинган. Ана шу маърузаларни тайёрлаш ва унга жалб қилинган давлат ҳамда нодавлат ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мажбуриятларини Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази олиб боради. Белгиланган ишчи гуруҳига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири раҳбарлик қилади. Маърузаларни тайёрлашга бола ҳуқуқларини муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланувчи барча давлат ташкилотлари, шу жумладан, маҳаллий ҳокимиятлар, адлия, прокуратура, ички ишлар ва суд идоралари, таълим тизимидаги тарбия ва таълим муассасалари ҳамда маҳаллалар ва нодавлат ташкилотлар жалб қилинади. Шунингдек, ушбу жараёнга мамлакатимиздаги Болалар парламенти вакиллари ҳам жалб қилинган бўлиб, бу Ўзбекистон ёшларининг ўз ҳаётларига дахлдор масалаларга бефарқ эмасликлари ва унда иштирок этишларининг ёрқин мисолидир. Миллий маърузалар БМТнинг тегишли қўмитасидан муҳокамадан ўтгандан кейин қўмитанинг тавсиялари бўйича ишчи гуруҳда ҳамда Марказда кўриб чиқилади ва уларни амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракат дастурлари ишлаб чиқилиб, ижро этиш учун масъул ташкилотларга юборилади.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, бола ҳуқуқлари ҳамда инсон ҳуқуқлари ҳимояси Ўзбекистонда халқаро ва Миллий қонунчилигимиз асосида мустаҳкамлаб қўйилган. Бош қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам инсон ҳуқуқларига алоҳида эътибор берилиб, "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари" бўлими ажратилган. Бу ҳам Конституциямизнинг нақадар халқчил, демократик қомус эканини яна бир бор намоён этади.

**Шуҳрат НОМОЗБОЕВ,**
**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ходими,**
**Қосим МАМУРОВ,**
**Юристлар малакасини ошириш Маркази Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси доценти**

---

Таниқли журналист Одилжон ака Шодмоналиевнинг яқинда эътиборингизга ҳавола қилинган "Андижон: водий жавоҳири"сарлавҳали мақоласи газета саҳифасида эълон қилингач, муаллиф билан қўнғироқлашгандик.

— Катта раҳмат, яйратибсизлар, буни қаранг, нафақага чиққанимдан сўнг зўр-зўр мавзуларга дуч келяпман. Ёзмасам туролмай қолдим, ёзган сари ёзгим келяпти. Водий шу кунларда бирам гуллаб-яшнамоқдаки, бир келиб-кетинглар, — деганди ўшанда муаллиф.

Орадан кўп ўтмай, яна қўнғироқлашдик. Туркум-туркум мақолалар ёзиб туришга ваъда бердилар:

— Шу десангиз, қўшни Наманган вилояти аҳлининг обод турмуш тарзи, тадбиркорларнинг муваффақиятлари ҳақида ҳам фикрлар тўлғаниб турибди. Ўтган-қайтганимда кўряпман, жуда мафтункор. Бир-икки кунда ана шу ҳақдаги мақола ҳам тайёр бўлади...

Кутадиган бўлдик.

Журналистнинг касбига меҳри, воқеликка муносабати, долзарб мавзуларни илғашдаги зийраклиги, энг асосийси, юртсеварлиги унга нисбатан ҳурматимизни янада оширди. Узоқ йиллар "Халқ сўзи" газетаси таҳририятида хизмат қилиб, "кўзи пишган", қалами чархланган ҳамкасбимизнинг ҳаётта ошнолиги тобора ошиб бораётгани бежиз эмас экан...

Орадан ҳафта ўтмай, 16 ноябрда ҳозиржавоб, дарёдил журналистнинг тўсатдан вафот этгани ҳақидаги машъум хабарни эшитиб, эзилдик. Начора... Охиратлари обод бўлсин, деб дуо қилишдан ўзга чора йўқ.

Одилжон аканинг тупроғи совимасдан ваъда қилинган мақола ҳам таҳририятимизга етиб келди. Унинг сўнгги сатрларига 15 ноябрь санаси битилган эди. Мақолада муаллифнинг қалб ҳарорати, тобора яшнаб бораётган юртга меҳри балқиб турибди.

Ҳурматли муштарий, ушбуни сизга ҳам илиндик.

Инсон хотираси — азиз. Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

**ТАҲРИРИЯТДАН**

# МЕҲНАТ ҚИЛИБ









Одам боласи бахтга талпиниб яшайди. Унинг йўлларига интиқ кўз тутади. Бордию унга эргашгудай бўлса, этакларидан тутиб бир умр бирга бўлишни орзулайди.

Ўзини ҳамиша соғинтириб, муштоқ куттирган бахт эса уятчан қизлардай ийманибгина, тортинибгина шивирлайди: менга эришмоқчи бўлганлар яхши ўқиб, пухта билим олсин. Бирон ҳунарнинг эгасига айлансин. Зинҳор-базинҳор қўл учида ишламасин. Кун ўтсинга ишлаган ёмон. Мен ёниб ишлайдиганларнинг, касбига меҳр қўйганларнинг, ўзидан яхши ном қолдирганларнинг йўлдошиман. Бу хилдаги инсонлар менга эмас, менинг ўзим уларга талпинаман.

— Бахтнинг қирралари кўп. Бахтнинг ўлчамлари кўп, — дейди Косонсой туманидаги «Чашмаи сафед» фермер хўжалигининг раҳбари Ҳамидхон Мўйдинхожаев. — Лекин улар орасида Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинган кунни, Президентимиз билан учрашган, суҳбатлашган дамларни сира-сира унутолмайман.

Юртбошимизнинг водийга сафарлари чоғида Тўрақўрғонда биз фермерлар билан учрашуви юрагимга муҳрланиб қолган. Ўшанда Президентимиз қўшимча тармоқлар, хусусан, чеварчиликка эътибор қаратилса, даромадимиз янада ортишини алоҳида таъкидлаган эдилар. Бунга мисол сифатида бизнинг хўжалигимизни тилга олдилар.

— Бу ёққа келинг, ўз тажрибангиз ҳақида шу ерда ўтирганларга гапириб беринг-чи! — дедилар мамлакатимиз раҳбари.

Рости, бироз ўзимни йўқотиб қўйдим. Шошиб қолдим. Очиғи, бунчалик бўлишини кутмагандим. Ишларим ҳақида гап бошлашим билан Юртбошимиз режа ҳақида гапиринг, муаммолар бўлса, айтинг, дедилар.

Ўша кунги суҳбат, Президентимизнинг биз оддий деҳқонларга, фермерларга эътиборлари кўнглимни тоғдай кўтариб юборган. Эътибор, ғамхўрлик ва рағбат кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшган.

Ортда қолган йиллар жамоага ҳар жабҳада олдинга қараб силжиш, ўсиш, юксак натижаларга эришиш йиллари бўлди. Ҳамидхон аканинг 80 гектарлик ери 272 гектарга кенгайди. Қорамоллар бош сони 28 тадан минг бошга етди. Эндиликда хўжаликда 315 нафар косонсойлик меҳнат қилаётир.

Хўжаликда гўшт ва сут етиштириш билан бирга, уларни қайта ишлашга эътибор қаратилаётир. Германия, Словениядан келтирилган замонавий ускуналар ёрдамида тайёрланаётган маҳсулотлар кўркам идишларда қадоқланмоқда. Саккиз турдаги колбаса маҳсулотларининг бозори чаққон. Шунингдек, бир гектар майдонда иссиқхона ҳам ташкил этилди. Йигирма чоғли киши муқим иш жойига эга бўлди.

— Вилоятмиздаги аксарият фермерлар эндиликда тўла оёққа туриб олди. Жумладан, ўзимиз ҳам, — дейди суҳбатдошимиз. Қўрамизда молимиз, бардон тўла донимиз бор. Тасарруфимизда енгил автомобиллардан ташқари, ўнлаб турдаги техника воситалари мавжуд. Буларнинг барчаси мамлакатимизда фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилгани, фермерлар давлат миқёсида қўллаб-қувватланаётганининг шарофатидир.

Инсон ёниқ орзулар билан нафас олсин, эртанги кунга ишонч билан қарасин экан. Эзгу мақсадлар дадил қадам ташлашга, улуғвор ишларга дадил қўл уришга ундайди. Ҳозир ёшим 64 да. Гоҳида ўйланиб қоламан: қирқ ёшимда сутни қайта ишлаш корхонасида ишлардим. Ўша пайтларда бирontаси «Йирик мулкдорга айланасиз, ўзерингиз, корхонангиз бўлади», деса, асло ишонмаган бўлардим. Истиқлол бизларга бугунгидай имкониятларни берди. Бу азиз неъмат ўзлигимизни рўёбга чиқарди.

Вилоятда «Чашмаи сафед»га ўхшаш сертармоқ фермер хўжаликлари истаганча топилади. Чуст туманидаги «Юсуфжон ҳожи Избосаров» ҳам шундай фермер хўжаликларидан.

— Отамакон далалар бу, — ботмонлаб ҳосил берган пайкаллардан нигоҳини узолмайди Деҳқонали Избосаров. — Биз ерни суйдик, меҳримизни бердик. Ер ҳам бизларни озмунча сийламади. Шу йилнинг ўзида 60,5 гектар майдондаги ғаллазордан 70 центнердан, жами 423,5 тонна қирмизи дон, 40,5 гектар ердаги пахтазордан 40 центнердан жами 174 тонна қимматбаҳо саноат хомашёси олдик.

— Юртбошимиз фақат пахта, ғалла билангина машғул бўлиб қолмаслигимизни қайта-қайта уқтиряптилар, — мулоҳаза юритади фермер. — Сертармоқ хўжаликгина қўшимча даромадга эга бўлади. Масалан, 20 бош қорамолимиз, 90 бош қўй-қўзимиз бор. Бундан ташқари, олти гектар майдонда ёнғоқзор ҳам ташкил қилганмиз. Тўрт гектар майдондаги Голландиядан келтирилган супер элита картошкадан ҳар йили юқори ҳосил оляпмиз. Меҳнат қилиб топганинг — қанду асал тотганинг, дейдилар. Ҳалолдан топганимизга халқимиз корига ярайдиган иншоотлар барпо этяпмиз. Чунончи, Чуст шаҳрида ўттиз уч турдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган мўъжаз корхона очяпмиз. Германиядан илғор технологияларни келтириб ўрнатдик.

Энди гапни Косонсой кенгликларидан эшитинг. «Аҳмаджон ҳожи Косоний» фермер хўжалиги интенсив боғ яратишда ўзига хос тажриба тўплаган. Анвархон Абдуллаев етакчилик қилаётган жамоа ўтган йили Қўқимбой адирликларидаги бўш ётган 13 гектар майдонга Польшадан келтирилган 2,5 минг туп олма, шафтоли, гилос кўчатларини ўтқазди. Боққа томчилатиб суғориш мосламалари ўрнатилди. Фермернинг эътирофича, экинларни суғориш учун ўтган йили 6,5 миллион сўмлик электр энергияси сарфланган. Томчилатиб суғориш эвазига жорий йилда бу кўрсаткич баб-баравар қисқарди.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Паррандачиликка ихтисослашган ушбу хўжаликка саккиз йил муқаддам хориждан 25 минг бош наслдор парранда келтирилган эди. Саккиз кишилик жамоа эндиликда 45 нафарга етди. Паррандалар сони 130 минг бошдан ортди.

Обод турмуш йилида наманганлик фермерлар дала шийпонларини обод ва чароғон гўшаларга — деҳқоннинг чинакам оромгоҳига айлантиришга астойдил киришдилар. Ҳар бир шийпонда ихчамроқ бўлса-да, болалар майдончаси бўлсин. Шифокор бурчаги ўрин олсин. Деҳқон «ойнаи жаҳон» га боқиб дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабар топсин. Мингбулоқ туманидаги «Хайриддин бува», Косонсойдаги «Косонсой жаҳон», Нориндаги «Ҳамид-Отабекзод», Янгиқўрғондаги «Мурод-Султонбува» сингари фермер хўжаликлари ана шундай шиор билан майдонга чиқдилар. Намунавий лойиҳалар асосида қуриб битказилган шийпонларини маданий-маърифий, маънавий масканга айлантирдилар.

Юрса ҳам, турса ҳам қадрдон далаларини ўйлайдиган, ҳар бир ниҳолни Тоҳирим, ғўзасини Зуҳраойим, деб эркалайдиган бу одамларнинг тупроқдан зар ундираётганларини, яратувчилик меҳнатларини кўриб кўнгилдаги меҳр, эъзоз булоқлари мавжланиб кетади. Қалбинг кенгликлари кўклам лолалари билан безангандек бўлади. Омад ва бахтга йўғрилган халқимизнинг ана шу фарзандларини бағрингга босиб суйгинг, оғам, иним, синглим, дея бош эгиб, таъзим қилгинг келади.

### НАМАНГАН: ЧАМАН ИЧИНДА БИР ГУЛ

Виқорли чўққилари булутлар бағрига сингиб кетган Қамчиқ довони Сизни гуллар шаҳри Наманганга кузатиб қўяди. Мустақиллик йилларида ҳар жабҳада залворли ютуқларга эришаётган, яйраб-яшнаётган муаззам шаҳар — Наманган сизни гул-гул очилганича кутиб олади.

— Соҳибқирон Амир Темур бобомиз кўплаб боғ-роғлар барпо этганлар, шаҳарларни кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор қаратганлар, — дейди чортоқлик меҳнат фахрийси Аълохон Бурхонов. — Нега деганда, боғларга бурканган шаҳар ҳамиша навқиронлик, гўзаллик, тозалик ва ободликни ўзида мужассамлантиради. Мамла-

Сиз нима дейсиз?

# ПАСТ ДАРҒОМми ёки ПАСТДАРҒОМ?

ёхуд кўп йиллардан бери давом этиб келаётган имловий хато ҳақида

Самарқанд вилоятидаги Паст Дарғом тумани вилоят марказидан 24 километр узоқликда жойлашган. Жума шаҳарчаси унинг маркази ҳисобланиб, айни кунда бу ҳудудда 300 мингга яқин аҳоли 150 та аҳоли пунктида истиқомат қилади. Туманнинг вилоятда тутган ўрни салмоқли. Аммо ушбу мақолада мазкур туман салоҳияти, унда эришилаётган ютуқ ё камчиликларга тўхталмоқчи эмасмиз. Бизни мушоҳадага чорлаган муаммо юзаки қараганда арзимасдай туюлиши мумкин. Аммо ҳар қандай кичик хато ҳам турли чалкашликларни, муаммоларни келтириб чиқариши табиий. Айниқса, гап жой номлари ҳақида кетгудай бўлса. Паст Дарғом туманининг номланиши билан боғлиқ муаммони айтишдан олдин мазкур жой номининг маъносига тўхталиб ўтсак.

Самарқанд вилоят ҳокимлигининг расмий сайти (Samarkand.uz)даги маълумотларга кўра, «Пастдарғом топонимининг иккинчи компоненти Дарғом — Зарафшон дарёсидан чиқадиган қадимий канал, ариқ. Узунлиги 100 километрга яқин. Зарафшон дарёсининг "Биринчи Май" тўғонидан бошланиб, Улус чўлида тугайди. Тарихий манбалар ариқнинг эрамиздан аввалги V-IV асрларда қазилганидан хабар беради. З.Дўсимов, Х.Эгамовнинг 1977 йилда "Ўқитувчи" нашриёти томонидан чоп этилган "Жой номларининг қисқача изоҳли луғати"да "Дарғом" сўзига қуйидагича изоҳ берилади: "Клавдий Птоломей тузган харитада (II аср) бу ариқ номи Даргомоний шаклида тилга олинади. Топонимнинг биринчи компоненти *Дарг* "узун" демак, иккинчи қисм — *об* сўнги бўғиннинг ўзгарган шаклидир. Чунки "б" ва "м" товушларининг алмашиш ҳодисаси учраб туради. Бинобарин, Дарғом ёки Дарғоб "узун ёки катта сув" демакдир".

Олимларнинг ушбу фикрларидан кўриниб турибдики, Дарғом қадимий каналнинг номи. Бу фикрга алоҳида эътибор беришимиз бежиз эмас. Чунки кўпчилик бу сўзни ариқ ёки канал сўзининг синоними сифатида қабул қилади. **Муаммо шундаки, Паст Дарғом сўзи расмий ҳужжатларда ва умуман жуда кўп ҳолларда қўшиб ёзилмоқда. Яъни, вилоятда нашр этилаётган баъзи газеталарда гарчи туман номи Паст Дарғом шаклида қўлланилаётган бўлса-да, аммо расмий ҳужжатларда ҳануз Пастдарғом шаклида ёзилаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Эътиборлиси, туман ҳокимлиги муассислигида нашр этилаётган газета ҳам «Past Darg'om haqiqati» номи билан нашр этилаётганига анча йиллар бўлди.**

— Имло қоидаларига кўра, қўшма сўзларнинг иккинчи қисми турдош отлардан иборат бўлган географик номлар қўшиб ёзилади, — дейди Самарқанд давлат университети доценти Мардон Болтаев. — Сирдарё, Қорасув, Олтинкўл, Олтиариқ, Кўкбулоқ, Жалақудуқ, Мирзачўл, Каттақўрғон, Яккабоғ, Ҳамзаобод, Янгибозор, Ўртаовул каби. Бу қоидага биноан вилоятимиз ҳудудидаги Оқдарё, Қорадарё, Мирзаариқ, Каттақўрғон, Нарпай, Пайариқ каби географик жой номлари қўшиб ёзилиши лозим. Ушбу сўзларнинг иккинчи қисми сифат ёки атоқли отлардан тузилган географик номлар эса алоҳида ёзилади. Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Ўрта Осиё, Шимолий Кавказ, Жанубий Украина, Ғарбий Европа, Кўҳна Урганч каби. Вилоятимиздаги Паст Дарғом тумани номи ҳамма жойда битта сўз каби «Пастдарғом» тарзида нотўғри ёзилмоқда. Демак, имло қоидаларига кўра, мазкур жой номи алоҳида ёзилиши керак. Газеталар мана шу қоидага амал қилишаяпти. Аммо расмий ҳужжатларда, қабул қилинган ҳудудий қарорларда бу жой номининг қўшиб ёзилиши кузатилади.

— Газетамиз 1959 йилда ташкил этилган. Шундан буён унинг номи «Паст Дарғом ҳақиқати» сифатида нашр этилмоқда, — дейди газета муҳаррири Бахтиёр Шукуров. — Аммо ҳанузгача расмий ҳужжатлар ва бошқа маълумотларда бу ном алоҳида ёзилаётганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бу хусусда туман газетаси ва вилоят нашрларида ҳам ўнлаб чиқишлар бўлган. Афсуски, ушбу жой номи ҳамон газета саҳифаларидагина имло қоидаларига асосан ёзилмоқда. У ҳам барча нашрларда эмас.

Яна бир гап: ўтган асрнинг 70-йилларида «Муштум» журналида газета номи Паст Дарғом тарзида алоҳида ёзилаётгани танқид остига олинганди. Шундан сўнг газетанинг ўша пайтдаги муҳаррири Ўта Тиллаев мазкур ном имло қоидалари асосида ёзилаётганини олимлар билан ҳамкорликда ҳимоя қилиб чиққан. Ҳа, бу муаммонинг тарихи узун.

**Ҳақиқатан ҳам кичик, аммо етарлича муаммога сабаб бўлиши кутилган бу масала ҳамон очиқлигича қолмоқда. Хўш, нега? Ахир газетада гарчи бу ном шу тахлит берилаётган бўлса-да, аммо туман ҳокимлиги доирасида юритилаётган расмий ҳужжатлар, муҳрларда туманнинг номи** Пастдарғом **шаклида берилаётгани турли қарама-қарши фикрларга сабаб бўлаётир. Мутасадди ташкилотлар бу масалага қандай қарашар экан?**

**Гулруҳ МЎМИНОВА,**
**«Зарафшон» газетаси мухбири**
***"Hurriyat" учун махсус тайёрлади.***

Солиқ почтасидан

# ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ ОЧИШ МАҚСАДИДА

Президентимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида демократик бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш, турли бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"ги, "Рақобат тўғрисида"ги янги қонунларни ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган эди.

2012 йил 20 декабрда "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши юртимизда хусусий секторни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, ривожлантиришга қаратилаётган эътиборнинг амалий ифодаси бўлди. Янги қонун мамлакатимизда рухсат бериш тизимининг асосий қоида ва тартибларини такомиллаштиришга йўналтирилгани, соҳада очиқ-ошкораликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада эркинлаштириш юзасидан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг қонунчилик базасини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан соҳа мутахассислари ҳамда тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ушбу қонунга кўра, бир-бирини такрорлайдиган ўн битта рухсатнома бериш тартиби бекор қилинди. 2012 йилнинг 1 августидан рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил, хусусан, бекор қилиш ва бирлаштириш эвазига 15 та лицензияланадиган фаолият турлари қисқарди. Ўтган йилнинг 1 сентябридан тадбиркорларга рухсат бериш билан боғлиқ ҳужжатлар яна 50 тага камайди. Пировардида тадбиркорлар ўз вақтларини, айланма маблағларини тежаб, уларни янги корхоналар барпо этиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қўшимча иш ўринларини яратишга йўналтиришлари учун қулай шароит яратилди.

Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун рухсат бериш тартибларининг қисқартирилгани, соддалаштирилгани хусусий секторга ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушини йил сайин ошириш имконини бермоқда.

**Шоҳрухбек ЭГАМНАЗАРОВ,**
**Андижон вилоят ДСБ ахборот хизмати бош мутахассиси**

# НОҚОНУНИЙ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТА МУОМАЛАСИГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 24 январдаги «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китоблар механизмини янада тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси ва ҳудудий давлат солиқ инспекциялари томонидан жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига ноқонуний равишда чет эл валюта муомаласига йўл қўйган хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларни аниқлаш бўйича бир қанча назорат-текшириш тадбирлари ўтказилди.

Натижада 6 ҳолатда 1900 АҚШ доллари, 5 ҳолатда 14900 Россия рубли, 4 ҳолатда 83700 Қозоғистон тангаси, 1 ҳолатда 36 Тожикистон самони ва 3,7 миллион сўм миллий валюта аниқланиб, ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Жумладан, ушбу қарорга асосан Хўжайли тумани ДСИ ҳамда туман Прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти ходимлари фуқаро М.Ибрагимов томонидан Хўжайли туманида жойлашган Деҳқон бозори ҳудудидаги савдо шохобчасида 5000 Қозоғистон тангасини 86500 сўмга сотганлигини аниқлашган ва ушбу фуқарога нисбатан тегишли тартибда далолатнома тузиб, ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Ўтказилган шу каби текширишлар натижаларига кўра, 6 нафар жавобгар шахсга нисбатан суд органлари томонидан 560,0 минг сўмлик маъмурий жарима, 3,5 миллион сўмлик молиявий жарима қўлланилган. 1 та ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, яна бир ҳолат юзасидан тўпланган материаллар айни пайтда кўриб чиқилмоқда.

Аниқланган қонунбузарлардан ашёвий далил сифатида олинган чет эл ва миллий валюталар давлат фойдасига мусодара этилган.

**М.ЧИМБЕРГЕНОВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси ДСБ ахборот хизмати бош мутахассиси**

# БАХТ ТОПГАН ЭЛИМ

катимизнинг барча гўшалари қатори Наманган ҳам боғ-роғлари гуркираб яшнаган, хиёбонларида кўклам насимлари қишин-ёзин ҳузурбахшлик улашадиган, йўллари бўйларида ям-яшил арчалар ўсаётган шаҳарга айланди.

Дўстлик, Бобур шоҳ кўчалари, аэропортга олиб борувчи кўча, марказий майдон ва хиёбонлар, истироҳат боғи, муҳташам тураржойлар, коллеж ва мактаблар, спорт мажмуалари, «Ёшлар маркази», маҳобатли иншоотлар Наманганга улуғворлик ва мафтункорлик бағишлаётир.

### ОБОД ЮРТНИНГ ДОВРУҚЛИ МАНЗИЛЛАРИ

Авваллари даласи билан кетмонинигина билган одамлар, айниқса, қишлоқларда яшовчиларга бугун бирров назар ташланг: пўрим кийинган, қадамлари ўктам, қаддилари тик. Гап-сўзларини бировга бермайди — бутун. Уларнинг аксарияти шундоқ ёнгиналарида очилган корхона мутахассисларидир.

— Корхонам фахрим, — юзларига табассум қўнади «Дилрабо СДА» корхонасининг чевари Гулчеҳра Дадажонованинг. — Корхонамиз 2004 йилда «Ахсикент» қўшма корхонасининг ўрнида ташкил этилган эди. Ўшанда 20-30 чоғли чевар билан иш бошлаганмиз. Ҳозирга келиб, 150 нафарга етдик. Қишлоқларда яшовчиларга шундай имкониятларни яратиб берган Юртбошимизга минг раҳмат!

Дилором Жабборова, Маҳмуда Нурматовалар тиккан либосларни кўздан кечирамиз. Ортиқча безаклардан холи. Бежирим. Замонавий. Ўтган йили бу ерда 400 минг АҚШ доллари миқдорида кийим-кечак тикилди. Либосларнинг асосий қисми Россияга экспорт қилинаётир. Бундай корхоналар вилоятда кўплаб топилади. Шулардан бири маҳаллийлаштириш дастури доирасида ташкил этилган «Махсус металл саноат» МЧЖдир.

— Корхонада юк ва енгил автомобилларига 50, 65, 75, 80, 100 литрлик юқори босимли метан газ баллонлари, шунингдек, 40 литрлик кислород баллонлари ишлаб чиқарилмоқда.

Марказий Осиёда ягона ҳисобланган мазкур корхона Германиядан келтирилган технологиялар билан жиҳозланди. Ишлаб чиқариш жараёнлари мураккаб босқичларга асосланагани боис хомашё тайёр маҳсулотга айлангунча 43 та технологик ишловдан ўтади. Муҳими, роботлару компьютерлар кузатувида 900 даража иссиқликда тоблаш печидан тортиб, ҳатто металл юзасини тозалаш, баллонларнинг ҳажмларини ҳам 100 фоиз назоратга олган стандарт талабларига тўлиқ жавоб беради. Янги газ баллонлари хориждан келтирилаётган турдошларига нисбатан афзаллиги, арзонлиги ва кафолати билан мижозларга манзур бўлаётир.

Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида ишга туширилган «Намимпекс-текстиль» корхонасини олиб кўрайлик. Корхона биносининг биринчи қаватидан маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ўрин олди. Иккинчи қаватига эса миллий либослар ишлаб чиқарувчи 115 та тикув ускуналари ўрнатилди. Икки юз мутахассисни ўз бағрига олган корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, йилига 2,6 минг тонна калава ип, 8 миллион метр пахта ва полиэфир толаси аралашмасидан хом мато, 1100 тонна трикотаж матолари ишлаб чиқариш ҳамда 17 миллион метрдан иборат газламани пардозлаш имкони вужудга келади.

Наманган эндиликда енгил саноат, озиқ-овқат, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари тайёрлаш корхоналари билан ҳақли равишда фахрланади. Наманганлик чеварлар тайёрлаётган костюм-шимлар, пойабзаллар, бош кийимлар хориж маҳсулотларини бозорлардан сиқиб чиқаради, десак асло муболаға қилмаймиз.

Шаҳарда экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидламоқчимиз. Жорий йилнинг ўзида экспорт қилувчи корхоналар қаторига яна 17 та тадбиркорлик субъекти қўшилди. Улар томонидан қарийб 1,6 миллион АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди.

— Қилган ишларимиздан амалга оширилиши кутилаётган бунёдкорлик вазифаларимиз кўп, — дейишади вилоят меҳнат аҳли. — Шулардан бири водийни мамлакатимизнинг бошқа сарҳадлари билан туташтирувчи темир йўл қурилишидир. Мазкур лойиҳа амалга оширилгач, Поп-Ангрен оралиғидаги пўлат излар республикамизнинг яхлит темир йўл тизимини вужудга келтиради.

Маълумки, жорий йилнинг 26 февралида Вазирлар Маҳкамасининг «Наманган вилоятида мультимодал логистика марказини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, «Поп логистика маркази» 2014 йили ишга тушади. Натижада водийнинг транспорт-логистика инфратузилмаси янада такомиллашади, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳамкорлик кенгаяди. Йилига тўрт миллион тоннадан зиёд юкларни белгиланган муддатда қабул қилиб олиш ва жўнатиш имкони туғилади. Юқоридаги саъй-ҳаракатлар эвазига вилоятда йилнинг тўққиз ойида ялпи ички маҳсулот 10,8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 12,4 фоизга, қурилиш ишлари 19,9 фоизга ўсди.

### ҚОРАЧИҚЛАРДА ЯШНАГАН ГУЛШАН

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори маҳаллалар, овуллар, энг чекка ҳудудларда яшовчиларнинг ҳаёт тарзи, турмуш даражасининг тубдан яхшиланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган шинам ва кўркам уйлар вужудга келмоқда. Тўрақўрғон туманидаги Чустқўприк, Поп туманидаги Марғизор, Уйчи туманидаги Янгичек, Чортоқ туманидаги Бешкапа, Косонсой туманидаги Чорбоғ сингари ўнлаб қишлоқ ва маҳаллалар эндиликда ўзларининг мафтункорлиги, чиройи ва латофати билан унча-мунча шаҳарчалардан асло қолишмайди. Мухтасар айтадиган бўлсак, кейинги уч йилда ўн битта туманда 72 та янги тураржой даҳаси барпо этилди. Мазкур бунёдкорлик ишларига 134 миллиард сўмлик маблағ сарфланди.

— Куёшга қараган, айвонлари кулиб турган уйларнинг тикланишида жамоамизнинг ҳам ҳиссаси бор, — кўзларида мамнунлик ифодаси ёлқинланади Тўрақўрғон туманидаги 4-қишлоқ қурилиш комбинати МЧЖ раиси Исроилжон Фазлитдиновнинг. — Тўрт йил мобайнида намунавий лойиҳа асосида қад ростлаётган юзлаб биноларга зарур жиҳозлар етказиб бердик. Ҳозирга келиб Бураматут қишлоғида 70 та, Чуст туманида 20 та тураржой биносини темир-бетон ашёлари билан таъминламоқдамиз.



H.Mamadaliev (O'zA) olgan suratlar

Жорий йилда Наманган туманида йилига 10 миллион дона деворбоп материал ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Зиё нур Моҳибону», Чуст туманининг «Шўркент» маҳалласида иситиш мосламаси тайёрлайдиган «Сантехника сервис», «Технолог-ГР» сингари корхоналар ташкил этилди.

Юртимиз чиройига чирой қўшаётган, кўзларни қувонтириб, кўпларнинг ҳавасини келтираётган, кўркамликда қиёси йўқ ана шу иншоотлар, кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари аслида мустақил, обод ва эркин Ватанимизнинг иқтисодий қудрати ортиб, аҳоли турмуш даражаси яхшиланиб бораётганининг ёрқин исботидир. Зеро, эртанги кунга қатъий ишонч билан қараган, моддий ва маънавий жиҳатдан куч-қудратга тўлиб бораётган халқгина улкан эзгу ишларга қодирдир.

Фуқаролари соғлом ва жисмонан баркамол бўлган юртнинг эртаси нурли, саодатлидир. Аслида инсон учун юрт тинчлиги, авлодлар саломатлигидан ортиқ бахт йўқ. Вилоятдаги давлат тасарруфида бўлган 360 та тиббиёт муассасаси, 242 та қишлоқ врачлик пункти жойлашган биноларни таъмирлаш, реконструкция қилиш, янги барпо этиш, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

«Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида Наманган, Тўрақўрғон, Поп, Мингбулоқ, Учқўрғон ва бошқа туманларда тиббиёт бирлашмалари, кўп тармоқли марказий поликлиникалар мукаммал таъмирланди. Мазкур саломатлик даргоҳлари 468 минг АҚШ доллари ҳамда 408 миллион сўмлик тиббий ускуна ва жихозлар билан таъминланди. Шунингдек, инвестиция дастури доирасида 9 та даволаш-профилактика муассасаси реконструкция қилинди. Маълумки, даволаш-профилактика ишларининг сифат ва самарадорлиги кўп жиҳатдан тизимга замонавий тиббий ускуна ва жиҳозларни жорий этишга боғлиқ. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган филиали бўлимлари Германиянинг «Сименс» рентген аппарати, «Херман» ва «Карл Шторк» лапараскоплари, Япония ва Голландиянинг замонавий ультратовуш диагностика ускуналари билан жиҳозланди.

— Кўнглимиз ободлиги, димоғимиз чоғлиги ўғил-қизларимиз, набираларимизнинг билим олишга, ҳунар ўрганишга чанқоқлигию ахлоқ-одобларининг ёқимлилигидан, — шоирона гап қилади яна бир суҳбатдошимиз, Чортоқ туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси, «Шуҳрат» медали соҳибаси Феруза Мансурова. — 22 йилда янги авлод — Мустақиллик авлоди кўкрак керди. Улар дунёни танидилар, дунё эса уларни тан олмоқда. Истиқлол шукуҳидан фарзандларимизнинг чеҳралари ойдин, интилишлари дадил, қадамлари ўктам. Биз болаларимизнинг хуш қадамларидан куч олиб яшаяпмиз. Уларнинг эртаси янаям улуғ, иқболи ва толеи баланд эканидан қувониб яшаяпмиз. Шунинг ўзи катта бахт.

Устоз муаллиманинг каломларига қўшилмай бўладими?!

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ**

# ФУҚАРОЛАРНИНГ АХБОРОТ ОЛИШ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАРИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

**Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида ахборот олиш эркинлиги ва кафолатларини таъминлаш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган миллий қонунчилик базаси шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига, ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга экани белгилаб берилган. Қолаверса, Конституциянинг 30-моддасига мувофиқ барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш имкониятини яратиб беришлари лозим.**



Юқорида қайд этилган конституциявий нормалар асосида ва фуқаролик жамиятини изчил ривожлантириш талабларини инобатга олган ҳолда мамлакатимизда соҳага оид қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорлари шулар жумласидандир.

Хусусан,"Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги қонун фуқароларнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади. Жумладан, қонуннинг 7-моддасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонун ҳужжатлари билан, шунингдек, ҳужжатлар, қарорлар ҳамда бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришга мажбур эканликлари белгиланган. Қолаверса, қонуннинг 8-моддасига мувофиқ давлат органлари ёки бошқа ташкилотларга мурожаат этган фуқароларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларига дахлдор ахборот уларга текинга берилади, бошқа ахборотни берганлик учун эса томонларнинг келишувига мувофиқ ҳақ олиниши мумкин.

Шу билан бирга, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонунда ахборот эркинлиги принциплари, кафолатларига риоя этилишини, шунингдек, ҳар кимнинг ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, фойдаланиш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишини, ахборотнинг муҳофаза қилинишини ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган. Бундан ташқари, қонуннинг 6-моддасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларни рўёбга чиқариш тартиби тўғрисидаги, шунингдек, давлат ҳокимияти, бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи қонун ҳужжатлари махфий ахборотлар сирасига кирмаслиги мустаҳкамланган.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда ахборот ва сўз эркинлигининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Хусусан, Юртбошимиз "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масалаларига алоҳида тўхталиб, ушбу соҳани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган қатор қонунларни қабул қилиш фурсати етганини таъкидлаб ўтди.

Соҳага оид хорижий тажриба таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда юзга яқин мамлакатда ахборот олиш ҳуқуқлари тўғрисида алоҳида қонунлар қабул қилинган. Хусусан, халқаро "Access Info" жамоатчилик ташкилоти маълумотига кўра, агар 1990 йилда дунёнинг 14 давлатида ахборот олиш эркинлиги ҳақида қонунлар жорий қилинган бўлса, уларнинг сони 2000 йилга келиб 40 тага, 2012 йилда эса 82 тага етди.

Ахборот олиш ҳуқуқи тўғрисидаги қонун дастлаб 1766 йилда Швецияда қабул қилинган бўлса, XX асрнинг иккинчи ярмида бундай қонунлар АҚШ ва Финляндияда, 70-йилларга келиб Норвегия, Нидерландия, Дания ва Францияда, ўтган асрнинг охирида эса Австрия, Канада, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Япония, Жанубий Корея, Швейцария ва Европа Иттифоқининг шу каби бошқа мамлакатларида ҳам қабул қилинди. Жумладан, биринчи марта Швецияда 1766 йилда қабул қилинган "Нашр эркинлиги тўғрисида"ги қонунда расмий ҳужжатларни тақдим этишни сўраб мурожаат қилган шахсга ушбу ҳужжатлар зудлик билан ва бепул тақдим этилиши лозимлиги тўғрисидаги қоида белгиланган. 1812 йилда ушбу қонун "Матбуот эркинлиги тўғрисида"ги қонун номи билан янги таҳрирда қабул қилиниб, 1976 йилда унга киритилган ўзгартишга асосан ижро ҳокимияти органлари, шунингдек, фуқаролар фойдаланишлари мумкин бўлган расмий ҳужжатлар реестрини юритиши лозимлиги белгилаб қўйилди.

АҚШнинг 1966 йилги "Ахборот эркинлиги тўғрисида"ги федерал қонунига мувофиқ, давлат органлари томонидан йиғиладиган ва сақланадиган ахборотлар жамият мулки ҳисобланиб, фуқаролар ундан бепул фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, 1996 йилги "Электрон ахборот эркинлиги тўғрисида"ги федерал қонунга киритилган ўзгартишга мувофиқ фуқаролиги ва туғилган жойидан қатъи назар ҳар ким ижро этувчи ҳокимият органлари ихтиёрида бўлган ахборотларни олиш ҳуқуқи мустаҳкамланган.

Германиянинг "Расмий ҳужжатлар билан танишиш ва ахборотлардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунига мувофиқ ҳар бир фуқаро давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ихтиёрида бўлган расмий ҳужжатларни олиш, улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. 2006 йилдан бошлаб эса давлат бошқаруви органлари фаолияти ошкоралигини таъминлаш билан бирга, фуқароларнинг идоравий маълумотларни интернет веб-саҳифалари орқали олиши амалиёти жорий этилди.

Буюк Британиянинг 2000 йилги "Ахборот эркинлиги тўғрисида"ги қонунида ҳар ким давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида бўлган маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга экани белгиланган. Таъкидлаш жоизки, ушбу қонун 2000 йилда қабул қилинган бўлса-да, 2005 йилдан кучга кирди. Бундан кўринадики, ушбу давр мобайнида Буюк Британия ҳукумати асосий эътиборни ҳукумат фаолиятида электрон ахборот алмашинуви тизимини яратиш ҳамда фуқароларга ахборотларни электрон шаклда тақдим этиш механизмини ишлаб чиқишга қаратди.

Финландияда эса давлат ҳокимияти органлари ихтиёридаги ахборотларни олиш ҳуқуқи 1951 йилги "Расмий ҳужжатларнинг ошкоралиги тўғрисида"ги қонун билан кафолатланган. Алоҳида қайд этиш жоизки, биринчи марта айнан Финландияда 2001 йилда қабул қилинган "Давлат бошқаруви соҳасида электрон хизмат тўғрисида"ги қонунда расмий ҳужжатлар электрон имзо қўйилган ҳолда фуқароларга электрон тарзда юборилиши мумкинлиги тўғрисидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилди. Бугун Финландияда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан фуқароларга кўрсатиладиган хизматлар ҳамда тақдим этиладиган ахборотларнинг 90 фоизи электрон шаклда амалга оширилмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган ҳамда ривожланган давлатларнинг илғор қонунчилик тажрибасини ўзида мужассам этган миллий қонунчилик шаклланилган бўлиб, у давр талабидан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич такомиллашиб бормоқда.

**Шерзод ДЕҲҚОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг етакчи илмий ходими**

---

**Вилоят TV фаолиятидан**

# ЖУРНАЛИСТ – жамият кишиси

**Журналист ҳаётнинг турли қирраларини қаламга олувчи, уларга холисона баҳо берувчи, одамларни фикрлашга, бирор муаммо юзасидан мушоҳада қилишга ундовчи, пировардида, тараққиётга ҳисса қўшувчи жамият кишисидир. Ушбу шижоатли касб эгаси доимо ҳаёт билан ҳамнафас, ўзининг теран дунёқараши, нуқтаи назари билан оммавий ахборот воситалари орқали халқ орасида яшайди. Таъбир жоиз бўлса, элнинг қувончу ташвишларига ошно бўлади.**



1982 йилда ташкил этилган Навоий вилояти телерадиокомпанияси ижодий ходимлари ҳам мана, бир неча ўн йилдирки, эл-юрт хизматига камарбаста. Ҳозир бу ерда олтмишга яқин ижодий ва техник ходим фаолият кўрсатмоқда. Компаниянинг 2011 йилда замонавий, янги бинога кўчиб ўтгани ижод аҳли учун ажойиб туҳфа бўлди.

— Айни пайтда радиоэшиттириш ва кўрсатувларимиз вилоят ҳудудининг 30 фоизини, аҳолининг 70 фоизини қамраб олган, — дейди компания раҳбари Темур Эшбоев. — 2014 йилдан бошлаб рақамли тармоққа уланиш учун ҳозирлик кўраяпмиз. Бу албатта, телекўрсатувларнинг сифатини янада яхшилайди. Шунингдек, радиомиз ўзининг алоҳида узатиш мосламаларига эга бўлиб, келгусида унинг эфир вақтини 24 соатга етказишни режалаштиряпмиз. Сир эмаски, ҳар бир эшиттириш ёки кўрсатув бир ёки икки кишининг эмас, жамоадаги бутун техник ва ижодий ходимларнинг биргаликдаги меҳнати маҳсулидир. Аниқроғи, битта кўрсатувни тайёрлаш учун тасвирчи, режиссёр, монтажчи, мухбир ҳамда муҳаррир ҳамжиҳатликда меҳнат қилади. Агар ходимлардан биронтаси иш жараёнида ўз вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашса, кўрсатув ва эшиттириш кўнгилдагидек чиқмайди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳудудимизда вилоят телерадиокомпаниясининг кўнгилочар, маданий-маиший, ижтимоий-сиёсий мавзулардаги давр руҳига мос қизиқарли кўрсатув ҳамда эшиттиришлари етиб бормаган биронта корхона, ташкилот ёки хонадон бўлмаса керак.

Таъкидлаш керакки, вилоят ҳокимлигининг бевосита кўмаги туфайли йилдан йилга компаниянинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Мавжуд 30 та компьютернинг аксарият қисми ўзаро ҳамда интернет тармоғига улангани иш унумдорлигини янада оширди. Янги компьютер тўпламлари ахборот узатишнинг тезкорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаётир.

— Келгусида радиоэфир орқали интерфаол кўринишдаги эшиттиришларни тайёрламоқчимиз, — дейди радиоэшиттиришлар бўлими катта муҳаррири Марғуба Бобоназарова. — Бу билан 24 соат давомида мухлисларимиз нафақат унинг тингловчиси, балки бевосита иштирокчисига ҳам айланади. Мухлислар эшиттиришимизни тинглаб, ўз муносабатларини билдириб, қўнғироқ қилганида, мактуб йўллаганида меҳнатимиз бесамар кетмаётганидан хурсанд бўламиз.

Эътироф этиш керакки, катта ижодий маҳорат майдонига айланган бу қутлуғ даргоҳда кўплаб забардаст журналистлар меҳнат қилишган. Бугун улар изидан бориб, шу масканда ўз ўрнини топаётган изланувчан ва тиришқоқ ёшларни суҳбатга чорладик.

— Касбимни севганим боис мен учун ижодий меҳнатнинг гашти ўзгача, — дейди овоз оператори Дилфуза Примова биз билан суҳбатда. — Радиода матнларни ўқишга қизиқаман. Устозим Малика Тўхтаевадан сўзга эътиборли бўлиш, оҳангдор ўқиш сирларини, Норжон Носировадан эса расмий хабарларни ўқиш услубини ўргандим. Улардан олган сабоқларим айни кундаги фаолиятимда жуда асқотяпти.



— Бугунги томошабин зийрак, унинг нигоҳи ўткир, — дея тасвирчи Баҳодир Шодиев ўз ихтисоси нуқтаи назаридан фикр юритди. — Шу боис тасвирнинг сифатли чиқишига эътибор қаратамиз. Келгусида телевидениемизнинг янада замонавий камералар, овоз ёзиш ускуналари, студия жиҳозлари билан таъминланиши кўзда тутилмоқда. Бу имкониятлар бизни руҳлантиради, ғайрат билан меҳнат қилишга ундайди.

Телевидениеда ижодий изланишлар, интилишлар, кадр ортидаги меҳнат жараёни ўзига хос. Бунга радио ва телевизион дастурларнинг ўзбек тилидан ташқари рус, қозоқ тилларида ҳам эфирга узатилиши муҳим омил бўлмоқда.

— Мен қозоқ тилидаги радио ва телекўрсатувларни тайёрлайман, — дейди Шалкар Якубов. — Уларда Конимех, Учқудуқ ва Томди туманларида истиқомат қилувчи қозоқ миллатига мансуб аҳолининг қадриятлари, ўзига хос турмуш тарзини ёритамиз. Сабина Садинова, Аян Абдиқодирова каби тенгдошларим билан бирга Жўрақул Ишов, Нодира Самандарова, Раҳима Қаймоқова каби устозлардан касбнинг нозик жиҳатларини ўрганаётганимиздан мамнунман.

Бошқалардан бир қадам олдинда юрадиган журналистлар жамиятда бўлаётган ўзгаришларни, ижтимоий муҳитни ҳаммадан олдин илғайди, уни тезкорлик билан халқимизга етказади. Вилоят ТРКда фаолият кўрсатиб келаётган шундай журналистлар, техник ходимлар бугун жамоанинг фахрига айланган. Режиссёр Жўрақул Ишов "Дўстлик" ордени, катта муҳаррир Нодира Самандарова "Олтин қалам" Миллий мукофоти билан тақдирланди. Етакчи мутахассис Раҳима Қаймоқова ва мухбир Шаҳноза Маҳмудова "Энг улуғ, энг азиз" республика танловида, ёш мухбир Дилноза Турсунбоева "Йилнинг энг фаол ёш журналисти" танловида совринли ўринларни қўлга киритишгани алоҳида эътирофга лойиқ.

Бугун ОАВ ходимларининг эркин ижодий фаолият юритишлари учун кенг имкониятлар яратилди. Бу эса бунёдкор халқимизнинг шарафли меҳнатини, муваффақиятларини қаламга олган, ҳаёт қувончларию ташвишларини ўз дарди деб билган журналистлар зиммасига янада залворли масъулият юклайди. Мана шундай юртга дахлдорлик, фидойилик ҳисси ушбу шарафли касб эгаларини ҳар лаҳза саодатли йўлларга, эзгу амалларга чорлаб туражак.

**Раъно РАББИМОВА**
*Навоий вилояти.*

---

**Муштарий фикри**

**Аҳолига кундалик даврий нашрларни етказиб беришга ихтисослашган дўконлардан сўраб-суриштиришимизга қарамай, керакли нашрни тополмасак, ғашимиз келади. Очиғи, сариқ матбуот нашрлари биз ахтараётган газеталарнинг рухсорини ёпиб, андак тўсиб қолаётгандай. Шундай пайтда ўқимаса туролмайдиган ҳақиқий муштарийнинг қиёфасига ҳеч разм солганмисиз? Бу каби шакл геометрияда ҳали аниқланмаган, дейишса, ишонамиз. Қуйидаги номага кўз югуртириб, кўпдан бери йўқолган ишонч туйғулари жисмимизга қайтиб келгандек бўлди.**

**ТАҲРИРИЯТ**

# УНЧАЛИК "САРИҚ" ЭМАС...

Иккинчи гуруҳ ногирониман. Вақтимни беҳуда исроф этишни ёқтирмайман. Енгил юмушлардан қўлим бўшаганда вақтли матбуот нашрларини мутолаа қилиб тураман. "Жаҳон адабиёти", "Ёшлик", "Муштум" журналлари, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Ҳуррият", "Шифо-инфо" сингари газеталар доимий ҳамроҳим. Уларда чоп этилаётган долзарб мақолалар, инсон манзаралари руҳимни юксалтириб, ақлимни бир қадар чароғон этади. Тўғриси, мен билмаган ёки илғамаган ўқишли нашрлар ҳам бўлса бордир.

Тасодифан қўлимга "Аъло кайфият" номли журнал тушиб қолди. Аввалига "бу ҳам енгил-елпи нашрлардан бири бўлса керак", деб унча эътибор бермадим. Аммо вақтимни беҳуда ўтказмаслик учун журнални варақладим. Саҳифадан-саҳифага ўтганим сайин ҳар битта мақола, суҳбат, бадиий асарлар диққатимни кучлироқ торта бошлади. Қизиқиб кетдим. Сариқ матбуот нашрларининг аксариятида эълон қилинаётган олди-қочди, икир-чикирга йўғрилган, одамнинг ғашини қўзғовчи материаллар журналда айтарли йўқ, бугуннинг долзарб мавзуларини қамраган, ғоят ҳафсала билан битилган чиқишлар руҳиятимни кўтарди. Ўшандан бери "Аъло кайфият"ни мунтазам кузатиб бораман.

Журналнинг кейинги сонларида олдингиларига нисбатан ранг-баранглик, тажриба ортиши жараёни яққол сезилади. Филология фанлари номзоди Эргаш Очиловнинг мумтоз адабиётимиз намояндалари ижоди юзасидан олиб борган тадқиқотлари, Қозоқбой Йўлдошнинг замонавий адабиётимиз янгиликлари борасидаги чиқишлари жуда ўқишли. Журнал саҳифаларидан санъат дарғалари билан мухбирлар мусоҳабалари, тасвирий санъат, театр, мусиқа ёки кино оламида биз илғамаган қарашларнинг жой олгани ҳам менга маъқул бўлди.

Жаҳон адабиёти дурдоналаридан намуналар берилаётгани муштарийларнинг қизиқишини янада орттирмоқда. Асқад Мухтор, Абдулла Орипов, Рауф Парфи сингари ижодкорларимиз ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий мақолалар менда чуқур таассурот қолдирди. Шунингдек, ёш ижодкорларнинг туркум шеърлари мазмунга бойлиги билан диққатимни тортди. Усмон Азимнинг Польша шоирлари ижодидан таржимаси, "Муҳаббатнома" рукни остида Миразиз Аъзамнинг "Юсуф билан Зулайҳо", "Жуковский ва Протасова", "Маргарит Тэтчер билан Дэннис Тэтчер", "Паганиннинг биринчи муҳаббати" мақолалари далилларга чуқур асослангани билан ёрқин ва гўзалдир. Таниқли ёзувчи Назар Эшонқул билан ўтказилган суҳбатни ҳам мириқиб ўқидим. Ўроз Ҳайдарнинг журнал саҳифаларида давомли ёритиб келинган "Буғдойзор оралаган сўқмоқлар" бадиаси том маънода аъло кайфият улашувчи материаллар сирасидандир. "Сиз соғинган асарлар" рукни остида бериб борилаётган дурдоналарни китоб ўқишга чорлов, деб билдим. Хуллас, "Аъло кайфият" журнали менга аъло кайфият улашмоқда.

**Намоз НАЗАРОВ**
*Қашқадарё вилояти.*

Ота-она саҳифаси

# ОИЛАДА маънавий-ахлоқий тарбия

Оила — муқаддас даргоҳ. Инсон шахси дастлаб ота-она бағрида, сўнг ўзи қурган оиласида камол топади. У оилада халқ урф-одатлари, анъаналари, умуминсоний қадриятларни ўзлаштиради, дунёқараши кенгаяди. Шу сабабли оилани жамиятнинг ижтимоий ва маънавий-ахлоқий таянчи, десак асло муболаға бўлмайди.




Ёш авлодни оилавий ҳаётга тайёрлаш мураккаб, серқирра ва узлуксиз жараён бўлиб, аввало, уларда энг муҳим талабларни, инсоний ҳисларни шакллантириш зарурдир. Зеро, ҳозирги даврда оилалар бузилиши, болаларнинг ота-она меҳридан жудо бўлишининг асосий сабаблари ҳам ўз тенгини танлай олмаслик, ахлоқ-одоб ҳамда оилавий муносабатлар меъёрларига риоя этмаслик, оила хўжалигини юритишдаги уқувсизлик оқибатидир.

Ёш авлод оила муҳитида ота-оналар. ва таълим муассасаларида ўқитувчилар томонидан мустақил ҳаётга тайёрлаб борилади. Бу ҳар икки йўналишда ҳам ўзига хос қўшимча омиллар бўлиб, улар маҳалла, жамоатчилик, мактабдан ташқари муассасалар ҳисобланади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, болада энг катта ишончни оила аъзолари уйғотади. Боланинг ўз атрофидагиларга муносабати оила аъзолари ўртасидаги муомаланинг ахлоқий жиҳатдан қанчалик юксаклигига боғлиқдир. Ота-она меҳридан баҳраманд бўлмаган, оила ҳимоясини тўлақонли ҳис этмаган бола атрофидаги инсонлардан доимо ҳадиксираб яшайди. Бунинг акси бўлган оилада эса болада атрофидагиларга нисбатан ҳурмат кучли бўлади. Оиладаги тотувлик ва меҳр-шафқат, ҳар қандай вазиятда ҳам бир-бирига таянч бўлиш болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашда муҳим омил ҳисобланади. Фарзандларимизни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг энг муҳим вақти ўсмирлик давридир. Бу даврда уларнинг мустақиллигини қўллаб-қувватлаш, "маслаҳатлашиш", ҳатто баъзи оилавий муаммоларни ҳал этишда уларга таяниш лозим. Шубҳасиз, бу эътибор болада ўз-ўзига ва ота-онасига бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Бу ёшдаги ўсмирлар ўзлари ва ота-оналари ҳақидаги ҳар қандай баҳони кечира олмайдилар. Ота-она, ака-ука, опа-сингилларининг камчиликларидан қаттиқ таъсирланадилар. Агар ота-она ўз фарзандлари олдида обрўсини йўқотса, уларга қарши "исён" кўтаришдан ҳам қайтмайди. Бу ёшдаги болалар билан муносабатда, уларга ҳурмат-эътибор кўрсатишда ота-она ўсмирнинг ишончи ва ҳурматини қозониши муҳим.

Балоғат ёшига етган фарзандлар билан муомалада босиқ ва эҳтиёт бўлиш, кийиниш, юриш-туриш, бошқалар билан муносабатда, муомалада ахлоқ меъёрларига риоя этишни таъкидлаб туриш мақсадга мувофиқдир.

Болани оила муаммоларини ҳал этишда мустақил ҳолда ёндашишга, унинг ташвиши ва қувончларига шерик бўлишга психологик жиҳатдан тайёрлаб бориш лозим.

Ўсмир ўғил келажакда ватан ҳимоячиси бўлишини назарда тутган ҳолда, уни жисмонан чиниқтириш, иродасини мустаҳкамлаш ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш жуда муҳим. Шу ёшдаги қизларга эса меҳмон кутишда дастурхон тузаш, тикиш, тўқиш, пишириқ пишириш, овқат тайёрлаш, уй йиғиштириш, кир ювиш, нон ёпиш, укалар ва сингиллар парваришини ўргатиб бориш ниҳоятда фойдалидир. Одатда, ўсмир қиз билан оилада юмшоқ, адолатли муносабатда бўлиш, кези келганда ҳамдард бўла билиш, самимийлик уларда гўзалликни ҳис этиш қобилиятини шакллантиради.

Барча оила аъзолари юқорида таъкидланган ушбу вазифаларни масъулият билан ҳис этишлари зарур. Бир сўз билан айтганда, фарзандга берилаётган оила тарбиясида ғамхўрлик ва талабчанлик мутаносиб равишда бўлиши фойдадан холи эмас. Шундагина фидойи, эътиқоди мустаҳкам, жамият олдидаги масъулиятини чуқур ҳис этадиган, мустақил фикрга эга бўлган шахслар камол топади.

**Аваз ИСКАНОВ,**
**Тошкент юридик коллежи ўқитувчиси**

Акс-садо

## *Талаба қизнинг ташаккури ва истаги*

(Ҳалим Сайиднинг «Талаба қизимга мактублар» туркумидаги мақолаларини ўқиб...)

*Ассалому алайкум! Мактубингизни ўқиб кўздаги ёшимни тўхтата олмадим. Гўё ичимдаги унни тинглаб ёзгандексиз. Негалигини билмадим-у, лекин сизга дилимдаги гапларимни айтгим келди.*

*Ўн олти йилдирки, отасиз вояга етмоқдаман. Уларнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳамиша билиниб туради. Айниқса, қиз бола учун ота меҳри, тарбияси жуда муҳим экан. Ҳар йили туғилган кунимда қиладиган ниятим «Дадамнинг табриги»ни эшитиш эди. Барча дадалар каби панду насиҳатлар бериб, мен ҳақимда қайғуришларини, қувончли кунимда эса мен билан фахрланишларини истар эдим. Нега «эдим» деб ёзаётганимга ҳайрон бўлаётгандирсиз?! Биласизми, мактубда ёзилган сатрларни ўқиб, бу бўшлиқ қисман қопланди. Авваллари отам менга қандай гапирар эканлар, қай ҳолатда суҳбатлашар эканлар дея ўйлашга, ҳатто, тасаввур қилишга қўрқар эдим. Сиз сабаб ўша қўрқувни енгдим. Талабаликка эришганимда онам мендан-да бахтиёр эканликларини кўрдим. Ана ўша қувонч, ғурур ва ифтихорни отамнинг кўзларида ҳам кўриш, ҳеч бўлмаса бир марта ҳис қилишни жуда-жуда хоҳлаган эдим. Мактубингизни ўқиганда, гўёки дадам менга сўзлаётгандек туюлди. Бир неча йиллар давомида орзусига эриша олмаётган қизни муродига етиштирганингиз учун ташаккур.*

*Шу ўринда сиздан бир нарсани сўрасам, сиз меҳрибон отасиз, кўзингиз қорасини вақти келиб ўз уйига кузатасиз. Айтинг-чи, ҳар бир қиз кетар чоғида падаридан дуо олишга ҳақли эмасми? Айрим оталар қизи олдидаги бурчини, масъулиятини унутиб қўймаяптими? Келишмовчиликлар сабаб норасида фарзанд келажагини хатарга қўймаяптими? Шулар хусусида фикрингизни билишни истардим.*

*Шукурки, худойим назаридан йироқ қилмади — талабалик бахтига муяссар бўлдим. Биласизми, олий ўқув юртига кирмасимдан олдин журналист касбини сухандон ёхуд бошловчи сифатида тасаввур қилардим. Мен учун ойнаи жаҳон номли саҳнада эфир олиб бориш катта маҳорат ҳисобланарди. Бироқ ўқиш мобайнида англадимки, журналистика соҳаси ўйлаганимдан ҳам мураккаб ва чуқур экан. Бу касбнинг йўналиши қолган барча соҳалардан тубдан фарқ қилади. Амалиётсиз яхши журналист бўлиш ҳам мушкул экан. Яхши фаолият олиб бориш учун эса яхши иш жойи керак бўлади. Сизнингча, талаба-журналист ишга қандай жойлаша олади? Унинг жамиятда ўз ўрнини топиб олиши борасида яна қандай маслаҳатлар берасиз?*

*Кейинги ижод намуналарингизда юқоридаги саволларимга жавоб топа оламан, деб ўйлайман. Менга қимматли бўлган ўша мактублар учун самимий ташаккур...*

**Нилуфар АҲМЕДОВА**

Холис фикр

# Танбаллик балоси

**Одамлар орасида, ён атрофимизда уйда ўтирадиган эркак, бекорчи эркак, танбал эркак...лар йўқ эмас.**

**Уй эркаги ким ўзи? Хотини бозорда савдо қилиб, уй юмушларини бекаму кўст бажариб ўтирадиган одам эрми?! Ёки хотини хорижга ишлагани кетиб, уйда бола боқиб ўтирган одамни ким деб аташ мумкин?!**

Хотин жон-жаҳди билан пул топиш илинжида юриб, эр уйда ястаниб ётса. Эшитган, кўрган одамда бу эркакка нисбатан қандай тасаввур уйғонади? "Холсочиқ, халчақиз" деган лақабни орттириб олмайдими? Эртага қуда-андалик бўлса, уларнинг олдида ҳурмат-эътиборини йўқотиб қўймайдими? Келинлар, куёвлар қайнотанинг уйда бекор ўтиришини ҳазм қила оладими?

Бир пайтлар аёллар уйда ўтириб, фарзанд тарбияси билан шуғулланар, эркаклар эса оиласини ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан таъминлаш учун жавобгар эди. Жавобгарлик ҳисси уларни йўқ жойдан иш топишга, ҳунар ўрганишга ундар, бекорчилик қаттиқ уят ҳисобланарди.

Нафақага чиқиб, уйда ўтиришга мажбур эркакнинг йўриғи бошқа, ё касаллиги туфайли, бир ишга ярамайдиган эркакнинг аҳволини тушунса бўлади. Уйда "ўтириб" қолган эркаклар орасида ўзига бирор машғулотми, бирор юмушми топиб, аёли ишдан келгунча уй-жой, ҳовлиларни ораста қилиб, сувоғи кўчган деворни ямаб, бўёғи кўчиб кетган эшик-ромларни бўяб, ё томорқадаги экинларнинг тагини чопиб, ўтлардан тозалаб, сув қуйиб, хуллас, фойдали иш билан шуғулланаётганлари ҳам бор. Аммо ҳеч нарсага қизиқмай, кунини телевизор қаршисида ёнбошлаб ўтказадиган эркакларнинг аёллари худога нима ёзибди? Ушбу мақолада "Бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузури" деб, хотини ва фарзандлари топиб келаётган пулга кайф-сафо қилиб, кечгача икки қути сигаретни чекиб, камига пиширган овқатдан айб топиб ўтирган эркаклар назарда тутилмоқда. Бир ерга қоровул бўлиб жойлашинг, дейишса, "Бир ками шу етмаётганди?" деб, бошқа иш топишса, "униси ундоқ, буниси бундоқ" деб қилдан қийиқ ахтарган эркакни кечириб бўладими? Аллоҳ ҳам "Сендан ҳаракат, мендан баракат", деган.

Жамиятда аёлнинг ўрни бўлакча. Аёллар ҳозир ҳар соҳада илгарилаб, айрим жабҳада эркаклардан ўзиб кетишди. Интилиш бор жойда ўсиш, тараққиёт бўлади, албатта. Бироқ турмуш машаққатлари, зарбаларини ҳам аёлининг елкасига ташлаб қўйиш инсофдан бўлмас. Нега ахборот технологиялари жадал ривожланиб бораётган бир даврда айрим эркаклар зиммаларидаги масъулиятни, оила олдидаги жавобгарлик ҳиссини шу даражада унутишди?

Қўшни аёлнинг эри ҳам "уй қизи"-га айланганига саккиз йилдан ошди. Неча жойга ишга кириб, ҳеч бирида қўним топиб ишламади. Бир ой, узоғи икки ой ишлайди, сўнг етти-саккиз ой "дам" олади. Болалари коллеж, мактабда ўқийди. Дарсдан кейин аёл катта қизини пиширган ширинликларини сотиб келгани бозорга жўнатади. 15 яшар қизи ёнидаги озиқ-овқат дўконида ҳам фаррош, ҳам қадоқловчи бўлиб ишлайди. 13 яшар ўғли кўчада машина ювади. Ота эса фарзандлари тақдири, эртаси билан қизиқиши тугул, маҳалла-кўй, қариндош-уруғдан уялмай уйда жон сақлайди. Бундай танбал эркаклар орамизда қанчадан-қанча. Улар хотиннинг шўри, умрининг кушандаси. Яқинда бекорчи эрининг дастидан безор бўлган бир аёл, "Бунақа эрнинг боридан йўғи, уйда дазмол ишламаяпти, газ плитасининг аллақаеридан газ ҳиди чиқаяпти. Ҳеч бўлмаса, шуларни кўздан кечириб, тузатиб берай демаса. Уйга бирор фойдаси тегмаса ё болаларнинг дарсига ёрдам бермаса. Бу ҳам майли, бир оғиз ширин сўз айтмай, жеркишдан бошқасини билмаса. Бирор жойи оғриб, дармони йўқ бўлса, майли дердим, тоғни урса талқон қилгулик куч-қуввати бор, аммо ёнидаги хасни олиб қўяй демайди. Қайнонам катта овсиним билан бир маҳалла нарида яшайдилар. Уйда енгилроқ тамадди қилган кунимиз индамай чиқиб кетиб, ўша ерга бориб овқатланиб келадилар. Номусларга ўлиб бўлдим", деб нолиса, бошқаси "Аллақачон топганини ичкиликка сарфлайдиган пиянииста эрим билан ажрашиб кетган бўлардим, аммо фарзандларим бўй етиб қолди, эртага қизларимга совчи келса, отаси йўқ экан, деган гап чиқмасин, деб тишимни-тишимга қўйиб чидаяпман", деб кўзига ёш олади.

Танбаллик балоси. Бу бало қанчадан-қанча оилаларга ташвиш келтириб, аёл ва фарзандларнинг бошини эгмоқда. У кекса ота-оналарнинг тинчини, ҳаловатини ўғирлаб, жигарлар ва яқинлар ўртасига адоват уруғини сочмоқда. Қадрини, ҳурматини билмаган эркаккина ўзини шундай балога маҳкум қилади. Шундай эмасми?! Сиз нима дейсиз, азиз муштарий?

**Азиза СОЛИҲ**




Сулола

**Сўлим Хумсон қишлоғи йилнинг тўрт фаслида ҳам меҳмонлар билан гавжум. Бир маротаба келиб, дам олиб кетган киши бу ерларни, унинг баҳаво табиатини қўмсайверади. Нabototи, зилол ва шарқироқ сувлари, манзараси ва албатта, қишлоқ аҳолисининг ширинсўз, меҳмоннавозлиги ҳеч бир таърифга сиғмайди. Сокинликка бурканган қишлоқ кўплаб таниқли олим, фан арбоблари, зиёли, ҳурмат ва эътиборга сазовор шахсларни ўз бағрида улғайтди, камол топтирди. Ҳусановлар оиласи ҳам ана шундай намунали, ўрнак бўларли оилалар сирасидандир.**

# Устоз ибрати

Тиллабой ота 1921 йил 21 декабрда туғилган. Ота-онасидан эрта етим қолди. Тумандаги интернатда яшаб, бошланғич маълумотни олгач, амал-тақал ҳаёт кечирса-да, таҳсилини давом эттирди. Аниқ фанларни пухта ўзлаштириб, физика ва математика ўқитувчиси сифатида фаолият юритди. Тиллабой отани қишлоғимиздаги деярли барча: ёшу қари эҳтиром билан ёдга олади.

Ўша кезлари иккинчи жаҳон уруши бошланиб, ўктам ва расо йигит бўлиб вояга етган Тиллабой биринчилардан бўлиб фронтга сафарбар этилди. Жангларда қатнашди. Бирда оғир ярадор бўлиб уйига қайтди. Ўқитувчилик касбини давом эттирди.

Йиллар ўтиб, Тиллабой Ҳусанов мактаб директори лавозимига тайинланди ва 1985 йилгача, ўттиз йилдан кўпроқ муддатда илм даргоҳида меҳнат қилди. Уруш вақтида ва урушдан кейинги оғир дамларда мактаб етти йиллик бўлиб, уни тугаллаган ёшлар бошқа мактабда ўрта маълумот олиш учун ўқишни давом эттиришлари керак эди. Одатда, бундай мактаблар ўша даврда туман марказларида бўлган, холос. Бир томонда урушнинг суронли товушлари қулоққа чалинар паллада, Тиллабой Ҳусанов фақат изланди... Унинг саъй-ҳаракатлари бесамар кетмади. 1959 йилдан эътиборан туман марказларида ўн йиллик мактаблар ўз фаолиятини бошлади. Бугина эмас, Тиллабой Ҳусановнинг югуриб-елишлари сабаб 1970 йилда мактабнинг янги биноси қурилди. Шу билан биргаликда у Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини сиртдан тамомлади.

Кейинчалик "Халқ маорифи аълочиси" бўлди.

Отанинг бўлажак турмуш ўртоғи Гулнора опа ҳам бошланғич синф ўқитувчиси эди.

Улар севди, севилди, синашди, оила қуришди. Ўн нафар фарзандли бўлишди. Ўнта



бўлса ўрни бошқа, деганларидек улар фарзандларини оқ ювиб-оқ тараб, элга қўшди, ҳаммаларини ўқитди.

Фарзандларнинг аксари ўқитувчилик касбини танлашди.

Бир сафар қишлоқ болалари билан тоққа равоч теришга кетаётганимизда Гулнора онага дуч келдик.

— Ўғилларим, қаёққа кетаяпсизлар, — сўради у.

— "Қора қўзи" тоғига, равоч тергани, — жавоб бердик.

Ўғилларим, — Гулнора она қўллари билан тоғ томонга ишора қилди, — "Қора тош" да булут кўриняпти. Ёмғир ёғадиганга ўхшайди. Эртага борарсизлар. Аммо биз болалик қилдик. Йўлдан қолмадик. "Қора қўзи"га етиб улгурмай, ёмғир ёға бошлаганди ўшанда. Равочларни териб, эшакларга юклаганимизда ёмғир тезлашди. Пастладик. Тоғ этагидаги дарёни кесиб ўтар чоғимиз дарё сатҳи кўтарилган эди.

Кечув жараёнида юк ортилган эшакларимизга қўшиб равочларни ҳам шошқалоқ сув оқизиб кетди. Ўзимиз бир амаллаб чиқиб олдик. Ҳолсиз эсак-да, Угом дарёсига қуйилиш еригача югурдик. Ўн метрлар чамаси қолганида эшакларимиз қирғоққа талпинишиб, аранг чиқиб олди. Шу тариқа бир фалокатдан қутулиб қолгандик. Ўшандан бери "Қора тош" тепасида булут кўринса, тоққа бормайдиган бўлдик.

Тиллабой ота ва Гулнора онадан сабоқ олган шогирдларнинг аксари бугунги кунда тажрибали ўқитувчи, устоз-мураббий мақомига эришган.

Қолаверса, яқинда Тиллабой ота ва Гулнора онанинг тўнғич фарзанди, ҳуқуқшунос олим, юридик фанлар доктори, профессор Озод Ҳусановнинг олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган "Конституциявий ҳуқуқ" дарслиги китоби лотин ва кирилл алифбосида кўп минг нусхада нашрдан чиқди.

Тиллабой ота ва Гулнора оналарнинг Хумсон бағрида ўтган камтарона ҳаёти ўзгалар учун ибрат намунасидир. Устозлик ва таълим-тарбия борасидаги ишларининг давомчилари бўлган фарзандлари гўё бир япроққи, улар ҳам вақти келиб илдизга айланажак.

Невараю чевара, эваралар ота ҳовлига йиғилганда хонадонда бамисоли тўй бўлади.

**Акмал ИНОНБОБОЕВ**

ЭССЕ

# ҲАЁТГА МАФТУН, НАВОГА ОШИҚ...

**Бу ёруғ оламда касбу кори, ўй-хаёллари, қувончу тантаналари бир-биридан фарқ қилмайдиган оддий одамлар бисёр, лекин биронта ҳам оддий хотира йўқ. Ҳар бутага ўт тушса, ўзи ёниб ўзи ўчади, дейдилар. Ҳар бир юракнинг ҳасрату ғуссаси ўз-ўзича қадрли, оғриқлари ўз-ўзича азиздир. Бизни ўраб турган оламнинг танишу нотаниш чеҳраларида, қавмдошларимизнинг ҳар бирини қалбида ана шундай ойдин ёхуд маъюс хотиралар бор. "Тағин бир таскинбахш сўз ҳам бор: яхшиям инсон хотираси кучли!" Ҳақ рост: шу руҳий собитлик қатлами бизни одам қилиб турибди.**

Бошқа тирик мавжудотлардан бизни ажратиб турган ягона туйғу ҳам шу хотирадир, аслида. Юлдузга қараб йўл тортган қадим одамзод қавмининг бугунги инстинктив хатти-ҳаракатлари хотира йўлларидир. Андиша, Оқибат, Муҳаббат, Соғинч сингари ҳис-туйғуларнинг ҳам хотиралари бор. Бу туйғулар хотираси вужудимизда, руҳиятимиз пучмоқларида қадриятларни ташийди, эзгуликларни асрлардан асрларга опичлаб ўтади. Шу хотира сабаб ҳануз маънан тирикмиз, эгнимизда жома, юзимизда нур бор, маъно бор...

***

Шу йил июнь ойида Ҳасан Иброҳимов исмли бир инсон оламдан ўтди. Тошкентнинг кўплаб ободу гавжум гузарларида Ҳасан исмли қанчадан-қанча одамлар бор, умуман бу исм билан яшаётган, умр кечираётган қанчалаб одамларни биламиз, юзлаб Ҳасанлар атрофимизда умргузаронлик қилишади.

Биз тилга олмиш Ҳасан Иброҳимовни ким билди — ким билмади, унинг бу фоний оламни тарк этганидан ҳам кўпчилик хабарсиз ва бу табиий ҳамдир. Адабиёт газетасининг санъат бўлими мудири, ҳамкасб опамиз Гулчеҳра Умарова "Шодмонқул, бир киши ҳақида мақола бор, кўзга кўринган санъаткор эмас. Лекин дардли мавзу" деди.

"Ҳа, мақолани кўрайлик, бир гап бўлар..." дедим ёки шу мазмунда гапирдим. Бироқ "Опанинг ҳам иши кўп, бирор киши бошини қотирган бўлса, қутулмоқчидир-да", деган ўй ҳам кўнглимдан ўтгани рост. Аммо бу ўйларимдан айни дамда юзим ловуллаб бораётир. Негаки, бу нотаниш, аммо таниш хотиротлар ўз оғриқларимга ҳам бегона эмаслигини ҳис этиб турибман.

***

Дилором опа ишхонага қўнғироқ қилди. "Шундай-шундай, укам ҳақида бирор нашрга мақола чиқармоқчийдим, Гулчеҳрахон сизни айтди..."

Дилором Каримова — таниқли актриса, Ҳамза(ҳозирги Ўзбек миллий театри), Ўзбек давлат драма театрларида фаолият кўрсатган, кўплаб бетакрор роллар ижрочиси. Опа билан кўришганимиздаёқ, дарҳол танидим ва бироз куттириб қўйганимга хижил бўлдим. "Қуёши ботмайдиган юрт" видеофильмидаги жинни аёл образи лоп этиб кўз олдимга келди. Фильмни анча аввал кўрганман, аммо унинг ижросидаги бу рол кўнгилларга эсдан чиқмайдиган бир изтироб солиб кетган. Ва бироз олдин бўлса ҳам айтмоғим керакки, ўша ақлан дардманд заифанинг қиёфасини яратиш Дилором опага одатдаги образларини яратишдан кўра оғирроқ кечган... кечган экан. Таниқли театр режиссёри Баҳодир Йўлдошевнинг "Биз ҳаётда рол ўйнаймиз, саҳнада, экранда яшаймиз", деган сўзлари беихтиёр ёдимга тушди. Бу сўзлар замирида ижод оғриғи ва санъатга боғланган дил торларининг гоҳи салқи, гоҳи таранг тортилиб титрашидаги нозик туйғулар бордек туюлади. Дилором опа билан суҳбатлашарканман, хаёлимга келган бир гапдан каллам қизиди. "Денгиз осмонда!" деган гапни кўп эшитганман. Яъни, булутларнинг мешида миллиардлаб тонна сув, тасаввур этингки, учиб кетаверади. Худойим истамаса, бу булутлардан ерга бир томчи ҳам томмай устимиздан ўтиб кетади. Агар шу булутнинг бир парчаси мешини ағдарса, оламни сув босади. Аммо ундай бўлмайди. Табиатда адолат бор!

Тик ва нозик қомати ўзининг ёшига, фариштали чеҳрасига ярашган Дилором опани шу самовий булутнинг бир парчасига қиёс этдим, ўхшатдим. Одам дарду ҳасратни кўтариб юравераркан-да, бировга айтмаса, юравераркан. Аммо айтмоқ, тўкиб солмоқ, юракка озодлик бермоқ умрни узайтиради. Айтмаса, айтолмаса-чи...

Одамнинг юраги бир ўзига оғирлик қилиши ҳақида қонун яратган ёзувчи Думбадзе нақадар ҳақ: бир инсон ўз дарду ҳасрати билан ёлғиз яшолмайди. Унга елкадош, туйғудош бўлмоқ керак. Бу туйғулар, бу дардлар унга тегишли қайғулар бир ўзини букиб қўяжакдир. Шу сабабли ҳам одам — одамга кўзгудир, одамнинг дардини одам олади, деган ҳикматлар майдонга келган бўлса, не ажаб...

***

Малик Иброҳимов деган тўғрисўз, чўрткесар, гапи билан иши бир, жўмард инсонни матбуотдаги катта авлод вакиллари яхши ном билан эслашади: "Тошкент ҳақиқати"нинг мухбири, луқмаси пок одам эди Малик Иброҳимов!" Малик аканинг ишхонасига келиб-кетувчи кишилар, албатта, бирор ноҳақликдан шикоят қилиб жамиятнинг одил сўз айтувчи минбари бўлган матбуотга, унинг вакилига мурожаат қилардилар. Малик ака Иброҳимов ўз сўзи, ўз қалами билан замондошу заминдошларига нажот қўлини чўзарди.

Малик ака хонадонида туғилиб, беш қизнинг орасида вояга етган ёлғиз ўғил — лавҳамиз қаҳрамони Ҳасан Иброҳимов эди. Малик ака ўғлига айрича меҳр билан қарар, унинг фавқулодда бир инсон бўлишини чин дилдан истарди. Отанинг бу нигоҳи ғаройиб бир уқув-ла дунёга келган Ҳасанга яхши таъсир этди. У қўлига тушган нарсани чолғу асбобидек тутиб кетаверар эди. Бу одат бора-бора мусиқа шайдоси Ҳасаннинг келажагини белгилади, десак хато бўлмас.

Глиэр мусиқа мактабини тамомлаб ҳаётга ўтдай нигоҳ билан термулган бўз йигитнинг ҳар лаҳзаси романтик туйғуларга эш, ҳар куни бошқасига ўхшамайдиган, бу диловар йигитнинг туганмас эҳтирослар қуршовида яшаб, яшнаб юрган бир даври эди. Ёш Ҳасаннинг қалбига куйдай эшилиб кирган яна бир туйғу унинг ҳаётга бўлган муҳаббатини янада оловлантирарди. Бу туйғу Глиэрда бирга таълим олган сабоқдоши скрипкачи Гули исмли қизга бўлган беадоқ севгиси эди. Мусиқага бўлган чексиз жунунлик ва қалбдаги нозик ҳиссиёт Ҳасанга куч ва сеҳр бағишларди гўё. Севги ва мусиқага бўлган чексиз меҳр бирлашиб Ҳасаннинг қалбига шу қадар юксак туйғуларни инъом этдики, бу ҳиссий кечинмалар зарби рубоб торларида, пианино клавишларида мусиқага дўнди. Бу мусиқа оламига яна бир ёрқин истеъдод кириб келаётганидан ишора эди.



Ажал якка ов қилади, дейдилар. Кутилмаганда, бемаҳал арзи доднинг айтилиб тугамаган паллада, суйган, суяниб турганингни орадан кўтарган ажал якка ов қилган бўлади. Отаси ёлғиз ўғлим дея ардоқлаган, опа-сингилларнинг эркаси бўлиб ўсган ва мусиқа оламида ўзини жуда ҳам бахтли ҳис қилган Ҳасан отасини ўзгача бир меҳр билан яхши кўрарди. Тақдир эса отани фарзандлардан айро этиб, Малик акани олиб кетганида Ҳасан гангиб қолди. Унинг учқур шуури, ҳали доғ кўрмаган қалби илк бор юзи қайтган тиғдек қайрилди. Кўнгли синди. Яхшиям мусиқа бор эди, хайриятки, муҳаббат бор эди. Ота вафотидан тамоман гангиб қолган Ҳасанга орадан кўп ўтмай, ҳарбий хизматдан чақирув хати келди. Бу ҳам бўлса, андармонлик тусаган кўнгилга бир таскин эди. Буни эшитган Гули йигитга ҳарбийга боришини, пировард, эркакларга хос ҳаётни ҳам кўриб келиш лозимлигини уқтирди. Қизнинг бу даъвати Ҳасанга баайни ваъдадек туюлди. Яъни, ҳарбийга бориб келсанг, сенга тегаман...

Ҳасан ҳарбий хизматга отланди. Албатта, она ва опа-сингиллар бунга қарши бўлишди. Чунки у оилада ёлғиз ўғил, қолаверса, боқувчисини йўқотган ва ҳоказо... деб уни бемалол ҳарбийдан қолдириш мумкин ҳам эди. Бироқ ёш йигитнинг нафсонияти ва ғурури бунга йўл қўймайди. Ва Русиянинг олис ўлкаларидан бирига хизматга кетади. Тақдир ишига тадбир йўқ! Армияда Ҳасаннинг бошига тушган ташвишлар кейинчалик унинг бутун ҳаётига татирли дард бўлиб қолишини на ўзи, на яқинлари башорат қилганди. Аммо — пешонага ёзилган иш, албатта, амалга ошади. Ҳасан армияда бошидан қаттиқ зарба ейди. Шўро ҳукуматининг худди колониялардагидек ҳарбий қисмларидаги ёзилмаган қонунлар — каттанинг кичикка ҳукмронлиги, муштлашувлар нозик қалбли Ҳасанга, унинг турмуш тарзига мутлақо ёт эди. Йигитнинг бошидаги оғриғи вақт ўтиши билан сусая боради, аммо бесабаб таҳқирлар унинг кўнглини жароҳатлади. Ана шундай оғриқли кунларда Ҳасан Тошкентдан, дўстидан хат олади. Унда ёзилишича, Ҳасаннинг севгилиси Гули Тошкентда таҳсил олаётган арабистонлик йигитга турмушга чиққани ва Тошкентдан кетгани маълум бўлади...

...Ой тўлган бир ёлғиз ва маъюс кечада ўз ўрнида қўриқчилик қилиб турган, сиқилган, ўртанган, рўёга айланган туйғуларни кўнгли тусаган Ҳасан тўлин ой остида дабдурустдан ўз-ўзига гапира бошлайди. Бу мудҳиш ҳолат унга руҳий ва жисмоний оғриқлардан сўнг содир бўлганини ким ҳам тўла идрок қила олади?! Аммо кўргулик рўй бериб бўлганди. Бироқ Тошкентга қайтиб келгач, хасталикка айланиб бораётган бу оғриқлар аста-секин ўз исканжасига ола бошлайди. Ёш, навқирон, қалби мусиқанинг сирли оламига жодуланган Ҳасан Иброҳимов шу зайлда вақти-вақти билан тутиб қоладиган руҳий бетобликка чалинади.

Ҳасаннинг некбин руҳи хасталикка ҳеч бўйсунгиси йўқ эди. У бутун иродасини ишга солиб консерваториянинг композиторлик бўлимига ўқишга киради. Бешинчи курсгача аъло баҳо билан ўқийди, бироқ кучая бошлаган касаллик хуружи ўқишни тугатишига йўл қўймайди. Шунга қарамай, мусиқа мактаби ва консерваторияда олган билимлари асосида Ўзбек давлат филармониясида 18 йил фаолият кўрсатади. Кейинчалик Алгоритм маданият уйида раҳбарлик лавозимида ҳам ишлайди. Бора-бора беомон дард уни батамом ҳолдан тойдиради. Лекин шунда ҳам касаллик чангалидан чиқишга уриниб, ўзини тетик ҳис қилган дамлар маҳалладаги мусиқа тўгарагида болалар билан машғулот олиб борар эди...

*Ити бағримни ер чоғда,*
*оёғи қонға булғонди,*
*Кўзим боғида гул онинг,*
*товонидин нишон эрмиш...*

Навоийнинг ушбу оғриқли сатрларидаги мангу ошиқлик ҳасрати Ҳасаннинг қўлларида титраётган афғон рубобининг ноласига жудаям уйқаш эди. Болаликдаги синфдош ўртоқлари унинг кўнглига таскин беришга уринар, тўй-томошаларга, сайлларга бирга боришга ундарди. Бу таскинбахш сўзларнинг асл мазмунини билиб турган Ҳасан бундай тўй-томошаларга боришга умуман унамас эди. Негаки, унинг мусиқага бўлган илоҳий севгиси тамомила бошқа эди. Тўйҳашамга борса гўё Тангрининг омонатига хиёнат қилаётгандай бўларди.

***

Одам Атонинг танига муҳаббат билан жо бўлган жон ҳам энг аввал мусиқа тинглаган эмиш. Бу афсона замирида навонинг илоҳийлигига ишора бор. Қалбларимизнинг туб-тубида янграб турган ҳар бир наво аслида бизнинг томиримизда оқади. Қўллари титраб торга ёки рубобга етгач, бутун юраги бармоқларидан томиб келаётган мусиқа бандасининг шуурида рўй бераётган туйғулар кесишувини идрок этишга ҳар биримиз ҳам қобил эмасмиз. Ҳасан аканинг юрагига ана шундай мусиқийлик, ана шундай туйғулар тараннуми ҳоким эди. Оғриқли руҳи, қалбидаги беадоқ изтироблари билан эгиз бўлиб қалбига қуйилиб келаётган "Шашмақом" ҳамда Бетховену Чайковскийларнинг гуррosида бетизгин ҳаяжон, охири кўринмас эҳтирослар жунбуши жам эди. Бу кечинмани англашга қодир бўлган юраклар бахтиёрдирлар!

Дилором опа Каримова сўзляпти. Унинг нигоҳлари бир нуқтага қадалган, мижжаларида ёш ғилтиллайди. Рассомларнинг гавжум, сариштали хиёбонида кезинаётган одамларни гўё кўрмаётгандек. Туйқус бир нарсани англаб қоламан: одам тил билан айтиб, сўз билан ифодалаб беролмайдиган нарсасини нигоҳлари билан изҳор этарди. Аммо нигоҳлар ҳам тилсиз қолганда кўзлардан юмалаётган ёшлар тилга кираркан. Дилором опанинг айтолмаётган сўзлари шу кўз ёшларида мужассам эди.

— Укам Ҳасанжон ётадиган хонанинг даричаси кўчага — ҳаётга термулган эди...

Бу сўзларни айнан келтираётирман. Бу гап қурилишидаги поэзияни, драматик ҳолатларни айтаётган кишининг ўзи англаётганмикан. "Ҳаётга термулган дарича"...

Бу дераза ортидаги йўлакдан қизлар ўқишга ўтишарди. Уларнинг кўпчилиги Ҳасанжонни яхши танир, бир маҳалланинг фарзандлари эди улар. Қизлар дастлабки йилларда Ҳасан чалаётган мусиқани пинҳона тинглашар, кейинчалик ошкора келишиб "Ҳасан ака, битта куй чалиб беринг", деб хаста кишига ёқадиган алпозда эркалик қилишарди. Қизларнинг бу илтимосларини Ҳасан завқланиб адо этарди. Бундан ўзи ҳам кўнгли қаварган, мусиқага ошуфта кишигина англаши, ҳис этиши мумкин бўлган бир туйғу билан ғаройиб бир кечинмани туяр эди. Ҳасаннинг вужудига ёпишган хасталик хуруж қилган кунларда уйда оғир бир жимлик ва ғамгинлик ҳоким бўлиб қоларди.

***

Ҳазрат Навоийнинг *"Наволиғ истасанг, бенаволарни азиз тут"*, мазмунидаги лутфи бор. Дарҳақиқат, "бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод" этмакка қобил бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этмас. Даричадан наво олиб қочган бўй қизларнинг зулфини ўйнаган елдек умр ўтиб бораверади. Ҳасан Иброҳим отли бир банда куй билан яшаб, куй билан ўтди бу оламдан. Унинг қалбидаги куй тори ҳаётидан кўра бардавом бўлиб яшаб қолди.

*Чумолининг изларига*
*раҳмат айтмиш Сулаймон*
*Бир юракнинг қўшиғига*
*арзирмикан кенг жаҳон...*

Шундай сўзларни улашган, кайфиятимга оғир, аммо ҳаёт маъносини юқтириб кетган суҳбат менга унутилмас бир ёднома бўлди десам, хато эмас. Дилором опа кетиб боряпти, кузга тобе кунларнинг сабоси барг ўйнаган хиёбонида шунча ҳасратни бировга айтмай кетиб бораётир у.

***

Бу оламда тоқ яшаб, ортидан из қолдиролмай кетган Ҳасан аканинг "Чўли ироқ" куйидек маҳзун умр йўли ана шундай поёнига етди. У вафот этгач, қўни-қўшни, яқин биродарлар бир гапни кўп такрорлайдиган бўлишди. Уйларинг мусиқасиз жуда бошқача кўринадиган бўлиб қолди. Эҳтимол, жуда ғариб демоқчидир, улар. Эҳтимол...

Кўксингдан чиқаётган оҳ кўкка ҳар қанча ўрламасин, Ҳасан Иброҳим ортидан унинг қиёфасини эслатиб турадиган на бир иссиқ жон, ё дарду дунёси кўчиб қалбдан қалбга яшайдиган куй-қўшиқ қолди. Лекин... бу ошуфта йигитнинг отасига, севгани Гулисига, мусиқага бўлган телбавор муҳаббати ва садоқати тарихи уни таниганлар хотирасида қолди.

**Шодмонқул САЛОМ**

**Мулоҳаза**

# ГАВҲАР ИЗЛАБ

**Санъат... Бу сўзнинг нечоғли улуғлигини, қанчалар муқаддаслигини унинг оламига кирган ошуфта кўнгиллар ардоқлай билади. Хўш, бугунги кунда халқ орасида санъатга ёки санъаткорга нисбатан муносабат, эътибор ва қараш қандай? Афсуски, бу борадаги фикрлар қувонарли эмас.**

Талабалик йилларимизда ушбу мавзу бевосита касбимизга боғлиқ бўлганлиги боис семинарлар, машғулотлар мунозарали ўтарди. Ўқитувчимиз талабалар фикрини билиш мақсадида "шу кунларда телеэкран орқали намойиш этилаётган қўшиқ ва клипларга нисбатан қандай фикрдасизлар?" дея сўраб қоларди. Биз санъатшунос бўлганлигимиз учун, табиийки, танқидий фикрлар билдирардик. Ўқитувчимиз ҳам бунга қўшимча қилиб, бир воқеани мисол келтириб ўтганди:

— Яқинда тушлик қилиш учун шу атрофдаги тамаддихоналардан бирига кирдим. Ҳозирги пайтда бундай жойлар муҳташам овқатланиш заллари, замонавий техника ва қулайликларга эга эканини биламиз. Хизматчи буюртма қилган таомларимни олиб келди. Таомга энди қўл урган эдим ҳамки, рўпарамдаги деворга ўрнатилган телеэкранда бир қўшиқ намойиш этила бошланди. Қўшиқ сўзларига эътибор беринг:

*Ойсара опанинг қизи Жумагул,*
*Энди мени севмайсанми Жумагул?..*

Оғзимдаги оғзимда, қўлимдаги қўлимда қолди. Қулоғимга чалинган ўша қўшиқ, яъни унинг тутуриқсиз, ҳеч қандай маънога эга бўлмаган сўзлари иштаҳамни бўғиб қўйганди.

Шу кабиларни таҳлил этиб, матбуотда ёритинглар. Нега ёзмайсизлар, деганди куюниб ўқитувчимиз ўшанда. Бу воқеага ҳам кўп бўлгани йўқ. Биз:

— Устоз, ёзамиз, бироқ ёзганларимиз матбуот юзини кўрмай, бир чеккада қолиб кетаверади, — дея ўқитувчимизга эътироз билдирдик.

— Шундай бўлса ҳам ёзинглар, ёзаверинглар, — деди устоз. — Токи, жамоатчилик бемаъни қўшиқ эшитаётганини англаб етсин. Ахир бундай маза-матраси йўқ қўшиқлар одамни маънавий жиҳатдан қашшоқлаштиради, онгини заҳарлайди. Ёзинглар, ишонаманки, ёзганларинг бир кун бўлмаса бир кун, албатта, юзага чиқади.

Яқинда юмуш билан вилоятлардан бирига борадиган бўлдим. Автобусга чиқдим. Салонда «Божалар» гуруҳининг хонандаси Ж.Позилжонов ва яна кимларнингдир «реп»ча услубдаги бақириқлари, унинг кетидан «Уммон» гуруҳининг ғингшиган (буни улар хониш деб тушунса керак) овозлари янграрди. Шунда бир онахон ҳайдовчи ёрдамчисига мурожаат қилиб:

— Ҳой, болам, анави ўлгурнинг ўзбекчаси йўқми? Буларинг нима деяпти? — деди.

— Қўшиқ айтишяпти, хола. — Йигитча кулди.

— Ўзбекча ашулангдан қўй!

— Ўзбекча айтяпти-ку, хола. Яна қанақаси керак сизга, — дея пинагини бузмай ишида давом этди у.

— Наҳотки шунинг ўзбекча бўлса? Нима деяётганларини ўзлари ҳам билишмайди-ку, — деди онахон афсус билан бош чайқаб.

Онахоннинг гапига бошқалар ҳам қўшилди. Бу каби ҳолатларни шундай қўшиқларни ойнаи жаҳон экранлари, радиоэшиттиришларнинг дастурлари орқали эълон қилаётган ходимлар қандай изоҳлашар экан, деган савол пайдо бўлади. Уларнинг ҳам ўзича жавоби тайёр. Молиявий томонга боғлашади. Тўғри, бугунги кунда давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кенг йўл очилиб, барча имкониятлар яратиб берилган. Аммо «тадбиркорлик» деб, меъёрни унутиш, айниқса, санъат деган улуғ номни шунчалик ерга қориштириш керакми? Миллийлигимизга хос бўлмаган ҳаракатлар, одамни кўнглини бездирадиган қилиқлар, ярим-яланғоч қизлар-у, улардан ҳам ўтиб тушган «йигит»ларнинг алвастича рақслари. Шу санъатми?! Шу каби видеокўринишлар орқали улар ўз рейтингини кўтаришга ҳаракат қилишмоқда. Лекин билишмайдики, бу ҳаракатлари орқали санъатимизни тубсиз жарга тортиб кетаётир.

Санъат асарида у адабий ёки саҳна асарими, мусиқа ёки тасвирий санъат бўладими ҳар бирида ўз "композицион қурилиш"и бўлиши ва ижодкор унга бўйсуниши шарт. Бу каби қўшиқларда биз нимани кўрамиз? Ўзларини "юлдуз" деб ҳисобловчи бундай қўшиқчилар «саҳна маданияти» кўчасидан ўтганми? Мисол учун шу кунларда мухлисларни «хит» қилаётган бир клипнинг ушбу сўзларига эътибор беринг:

*Лексус ёки феррари,*
*Қай бирин оберий.*

Хонанда бу қўшиғи билан томошабинга, халққа қандай маънавий озуқа ёки ғояни сингдирмоқчи? Мана бунисига нима дейсиз:

*Ҳеч ким тушунмайди.*
*Бизни тушунмайди.*
*Лавми, лавми*

Албатта, ҳеч ким тушунмайди-да! Оғзидан тузукроқ сўз чиқмаган бемаънини ким тушунарди. Бундай қўшиқларда бор-йўғи тўрт мисра сўз қайта-қайта такрорланавериб қўшиқ якун топади.

Биламизки, устоз санъаткорлар ижро этган хоҳ қўшиқ бўлсин, хоҳ катта ашула, ҳар бир сўзида бир дунё маъно ва айтмоқчи фикри бўлган. Бу каби қўшиқларни тинглаганинг сари, тинглагинг келади. Бугунги кунда кўзга кўриниб келаётган хонандаларимиз орасида ҳам шундай ижодкорлар бор, албатта.

Яқинда ғалати бир ҳолат юз берди. Бир йигит қўлида мобиль телефон билан ёнимда ўтиб кетаётганди. Телефондан эса «Уммон», «Божалар» гуруҳининг қўшиқлари жарангларди. Мен ундан сўрадим.

— Нима эшитаяпсан?

— Қўшиқ, — деб жавоб қилди у.

— Биламан, қўшиқ, у нима деяпти?

— Қўшиқ айтаяпти.

— Хўш, ўша қўшиқда у нима деяпти, тушуняпсанми? Шу қўшиқдан сен нима оляпсан, десам бола жавоб беролмади...

Қуйидаги сўзларга эътибор қилинг:

*Ёқса ёқмаса ҳамдэ,*
*Уммон барибир уммондэ.*

Бунга нима дейсиз? На овоз бор, на сўзда мантиқ.

Шу ўринда бу каби қўшиқлар болаларимизни мактаб ёшидан онгини бузиб, дунёқарашини саёзлаштириб, маънавий тарбиясига салбий таъсир етказиб, уларни ўша «қўшиқчи»ларнинг ўзидек енгилтак қилиб қўймайдими, деган иштибоҳ туғилади.

Бугун ижод қиламан, деган иқтидорлар учун боғчадан то олий даргоҳга қадар шароит мавжуд. Бундан ташқари, қанчадан-қанча санъат саҳналари уларни кутяпти. Фақат маданиятли, фаросатли ва чинакам фидойи санъат эгаларини кутяпти.

**Бекмурод БАРДОШ**

Reklama

STANDARD &POOR'S

Халқаро рейтинг агентлиги

2013 йилнинг 26 ноябрь куни

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг

кредит рейтингларини ТАСДИҚЛАДИ

Узоқ муддатли рейтинг «В+»
Қисқа муддатли рейтинг «В»

Рейтинглар истиқболи:

«Барқарор»



Ватанимиз равнақи йўлида Сиз билан бирга!

www.nbu.com Хизматлар лицензияланган

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!
«Асака» банк (ОАЖ)

Сизларни яқинлашиб келаётган Конституция куни байрами билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«КОНСТИТУЦИЯ-2013»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

*Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин*

Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |



"Асака" банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган

**Ёнғин хавфсизлиги ойлиги**

# Олдини олган афзал

***Жорий йилнинг 20 ноябридан 20 декабригача республикамизда ёнғин хавфсизлиги ойлиги эълон қилингани кўпчиликка маълум. Айни кунларда ўқув муассасалари, ташкилот ва корхоналарда, маҳаллаларда ушбу ойлик бўйича турли тадбирлар ташкил этилмоқда.***

Республика миллий матбуот марказида ойликни ўтказиш бўйича Ички ишлар вазирлигининг ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан ташкил этилган анжуманда соҳа мутасаддилари юқоридаги ҳолатларни аниқ мисолларда таъкидлаб ўтишди. 2013 йилнинг ўтган 10 ойи давомида содир бўлган ёнғинларда инсонларнинг куйиш, тан жароҳати олиш ҳоллари 5,7 фоизга, ўлим эса 24,8 фоизга камайган.

Аммо бу хотиржамликка берилишга асло асос бўлолмайди. Чунки жорий йилда ўт ўчирувчилар 10559 та ёнғинни ўчиришга чиқишган, шундан 8693 ҳолатда ўт балоси бошланғич жараёнда ўчирилган. Ўтган даврда республикамиз миқёсида 46619 корхона, ташкилот, муассасаларда ўтказилган тадбирлар давомида кўплаб камчиликлар аниқланиб, бартараф этилди. Содир бўлган ёнғинларнинг 70,8 фоизи аҳоли турар жойлари ҳисобига тўғри келаётгани ачинарлидир. Айрим уй эгаларининг бепарволиклари оқибатида газ ва электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, болаларнинг гугурт билан ўйнашлари боис хонадонларда «тилсиз ёв»нинг асоратлари кузатилаётгани анжуманда сўзга чиққанлар томонидан афсус билан айтилди.

Давлатимиз томонидан ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўлинмаларининг моддий техник ҳолатини яхшилашга жиддий эътибор қаратилаяпти. Эндиликда «GM UZBEKISTAN», «MAN» автомобиль ишлаб чиқариш корхоналарида махсус ёнғин ўчириш машиналарини йиғиш йўлга қўйилган. Яқин орада мана шундай автомошиналар конвейердан чиқа бошлайди. Бу эса соҳани янада такомиллаштиришда жуда муҳим ўрин тутади.

**Жобир ХЎЖАҚУЛОВ,**
**«Hurriyat» мухбири**

# Ҳамиша ҳушёр туриш самараси

Айни кунларда ёнғин хавфсизлиги ойлиги тадбирлари доирасида Бектемир туманида жойлашган корхона ва ташкилотларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чораларини тарғиб қилиш бўйича учрашувлар ташкил этилаяпти. Маълумки, ёнғинга қарши кураш мавсумий фаолият эмас. Шу боис туманда ҳозирги кунга қадар 106 та ишлаб чиқариш корхонаси, муассасалар ва ташкилотларнинг ёнғинга қарши ҳолати мониторинг тариқасида ўрганилди. 4172 нафар ишчи-хизматчи билан суҳбат ўтказилиб, корхоналарда 110 та ёнғин хавфсизлиги бурчаги ташкил этилди.

Бундан ташқари, 5 та мактаб, 12 та болалар боғчаси, 3 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда 1 та мусиқа мактабида ёнғин хавфсизлигига риоя қилиш бўйича режа ишлаб чиқилди.

Ўтказилган текширувлар натижасида 2122 та ёнғинга қарши бажарилиши лозим бўлган камчиликлар аниқланди. Уларнинг 1818 таси бажарилди. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бажармаган 24 нафар раҳбарга нисбатан жарима солинди. Ёнғин чиқиш хавфи бўлган 66 та масканнинг иш фаолияти нуқсонлар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб қўйилди. 890 та носоз электр ва газ ускунасидан фойдаланиш тақиқланди.

Тарғибот аҳоли турар жойларида ҳам ўтказилмоқда. Туманимиздаги 3 мингдан ортиқ хонадонда газ ва электр қувватидан фойдаланиш жараёнлари назоратга олиниб, ҳар бир уй соҳибига қишки мавсумда амал қилиниши лозим бўлган қоидалар тушунтирилди. Жами 186 та кўп қаватли уйда ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича фуқаролар билан суҳбатлар ўтказилди. Ана шу ҳамкорлик натижасида аҳоли уй-жойларида ёнғин содир бўлиш ҳолати камайди.

**Р.НУРУТДИНОВ,**
**Бектемир тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори кичик сержант**



# ЭЙ ФАРЗАНД...

*Мулойим сўзга бахил бўлмагил, халқ мулойим сўз эшитмаса, сўз шайдоси эмас, балки мол-дунё шайдоси бўлиб қолади. Қаттиқ сўз демагил, яхши сўз дегил, токи сен ҳам яхши сўз эшитгайсан. Шўр ерга уруғ сочма — ҳосил бермайди, меҳнатинг бекор кетади, яъни яхшиликни билмаган кишига яхшилик қилиш шўр ерга уруғ сочиш билан баравардир. Аммо яхшиликка лойиқ бўлган кишига яхшиликни аямагин ва у одамга ҳам яхшилик қилишни ўргат. Бу тўғрида шундай деганлар: кимки яхшилик қилишни билса, у яхшилик қилишни ўргатади.*

*Эй фарзанд, яхшилик қил ва қилган яхшилигингдан ҳаргиз пушаймон бўлма, (агар пушаймон бўлсанг) бу дунёда жазо тортасан. Бир кишига яхшилик қилсанг, у киши бундан қанчалик хурсанд бўлган бўлса, сенинг кўнглингга ҳам ундан кўпроқ шодлик ва хуррамлик етишади. Агар бир кишига ёмонлик қилсанг, у қанчалик хафа бўлса, сен ҳам ундан ортиқроқ хафа бўласан. Демак, бу замонда яхшилик ва ёмонликнинг мукофоти, албатта, бўлур.*

* * *

*Суқрот ҳаким деган эдики: ҳунардан яхши нарса йўқдир ва билимдан улуғроқ нарса йўқдир, шарм-ҳаёдан яхшироқ безак йўқдир, бадхўйликдан ёмонроқ душман йўқдир. Бир соатни бекорга ўтказмасанг, ўшандагина ҳунарни ўрганасан. Шундай вақтда доно киши ҳозир бўлмаса, нодондан ўргангил, чунки ҳунарни нодондан яхшилаб ўрганса бўлади. Шунинг учун ҳам, ҳамма вақт кўнгил кўзи ва ақл назари билан нодонга боқсанг, унинг ярамас, ёқимсиз ишларини кўриб, ундан парҳез қилгайсан. Масалан, Искандар деди: “Ҳамма дўстларимдан манфаат кўраман, аммо душманларимдан яна ҳам кўпроқ манфаат кўраман, чунки менинг ёмон феълимни дўстлар манфаат юзасидан яширадилар ва мен ўз айбимни билмай қоламан. Душманлар душманлик жиҳатидан ўша ёмон феълимни менга айтадилар ва мен ўз феълимни билиб, уни ташлашга ҳаракат қиламан”.*

*Эй фарзанд, сен ҳам ҳунарни донодан ўрганмасанг, нодондан ўрган ва барча катта-кичикка ҳунар ўргатиш зарур, чунки киши ҳунар ўрганиш билан ўз ҳамроҳларидан кўра баланд мартабага эга бўлади.*

**“Қобуснома”дан**

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ
Телефонлар: 236-23-35, 236-23-27, 233-67-51; Тел-факс 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: Тел: 233-36-02.
Топшириш вақти — 20 00
Топширилди — 20 00

Вилоят мухбирларининг телефон рақамлари:
Қорақалпоғистон — (+99891)-384-41-61.
Бухоро — (+99890)-557-40-17,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — (+99894)-262-25-33,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528
Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
«O'zbekiston» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.
Навбатчи: Фозил Жабборов
Адади: 4345 Буюртма — J-8543 1 2 3 4 5